


O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O`RTA-MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI



MATEMATIK ANALIZ KAFEDRASI

MATEMATIK ANALIZ
FANIDAN
O'QUV USLUBIY MAJMUA

Bilim sohasi:	100000 - Gumanitar
Ta'lim sohasi:	130000 - Matematika
Bakalaviriya yo'nalishi:	5130100-amaliy matematika

TERMIZ-2018

Mazkur o`quv-uslubiy majmua Oliy va O`rta maxsus ta'lim Vazirligining 2018 yil __ ____dagi __-sonli buyrug`i bilan tasdiqlangan o`quv reja va dastur asosida tayyorlandi.

Tuzuvchilar: O. Begaliyev – Matematik analiz kafedrası katta o`qituvchisi, f-m.f.nomzodi
A. Qurbonnazarov – Matematik analiz kafedrası o`qituvchisi

Taqrizchi: f-m.f. doktori, prof. M. Mirsaburov

O`quv-uslubiy majmua Termiz davlat universiteti kengashining 2018 yil 28-avgustdagi 1-sonli qarori bilan tasdiqqa tavsiya qilingan.

Mundarija

So‘z boshi	4
1-ma’ruza. To‘plam. To‘plamlar ustida amallar.	5
2-ma’ruza. Akslantirish va uning turlari.....	18
3-ma’ruza. Xaqiqiy sonlar	28
4-ma’ruza. Xaqiqiy sonlar to‘plamining chegaralari.	41
5-ma’ruza. Xaqiqiy sonlar ustida amallar	44
6-ma’ruza. Sonlar ketma-ketligining limiti.....	50
7-ma’ruza. Yaqinlashuvchi ketma-ketliklarning xossalari	53
8-ma’ruza. Monoton ketma-ketliklar va ularning limiti	67
9-ma’ruza. Qisman va fundamental ketma-ketliklar. Ketma –ketlikning quyi	
10-ma’ruza. Funksiya tushunchasi.....	82
11-ma’ruza. Funksiya limiti.....	92
12-ma’ruza. Limitga ega bo‘lgan funkqiyalarni xossalari	97
13-ma’ruza. Funksiyalarni taqqoslash	106
14-ma’ruza. Funksiyaning uzluksizligi	116
15-ma’ruza. Uzluksiz funksiyalarning lokal xossalari.....	125
16-ma’ruza. Uzluksiz funksiyalarning global xossalari.....	134
17-ma’ruza. Tekis uzluksizlik.....	144
18-ma’ruza. Funksiyaning hosilasi	153
19-ma’ruza. Hosila hisoblash qoidalari	157
20-ma’ruza. Funksiyaning differensial	165
21-ma’ruza. Funksiyaning yuqori tartibli hosila va differensiallar	171
22-ma’ruza. Differensial hisobning asosiy teoremlar	174
23-ma’ruza. Teylor formulasi	178
24-ma’ruza. Funksiyaning monotonligi. Funksiyaning ekstremumlari	181
25-ma’ruza. Funksiyaning qavariqligi va egilish nuqtalari, asimptotalari	184
26-ma’ruza. Lopital qoidalari.....	187
1-Amaliy mashg’ulot. To‘plam. To‘plamlar ustida amallar.	189
2- Amaliy mashg’ulot. Akslantirish va uning turlari.....	190
3- Amaliy mashg’ulot. Xaqiqiy sonlar	192
4- Amaliy mashg’ulot. Xaqiqiy sonlar to‘plamining chegaralari.	194
5- Amaliy mashg’ulot. Xaqiqiy sonlar ustida amallar	196
6- Amaliy mashg’ulot. Sonlar ketma-ketligining limiti.....	198
7- Amaliy mashg’ulot. Yaqinlashuvchi ketma-ketliklarning xossalari	200
8- Amaliy mashg’ulot. Monoton ketma-ketliklar va ularning limiti	201

9- Amaliy mashg'ulot. Qisman va fundamental ketma-ketliklar. Ketma – ketlikning quyi va yuqori limitlari.....	203
10- Amaliy mashg'ulot. Funksiya tushunchasi.....	205
11- Amaliy mashg'ulot. Funksiya limiti.....	206
12- Amaliy mashg'ulot. Limitga ega bo'lgan funktsiyalarni xossalari	208
13- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyalarni taqqoslash	210
14- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning uzluksizligi	212
15- Amaliy mashg'ulot. Uzluksiz funktsiyalarning lokal xossalari.....	214
16- Amaliy mashg'ulot. Uzluksiz funktsiyalarning global xossalari.....	216
17- Amaliy mashg'ulot. Tekis uzluksizlik.....	218
18- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning hosilasi	220
19- Amaliy mashg'ulot. Hosila hisoblash qoidalari	221
20- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning differensial	223
21- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning yuqori tartibli hosila va differentsiallar	225
21- Amaliy mashg'ulot. Differensial hisobning asosiy teoremlar	226
22- Amaliy mashg'ulot. Teylor formulasi	228
23- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning monotonligi. Funktsiyaning ekstremumlari	230
24- Amaliy mashg'ulot. Funktsiyaning qavariqligi va egilish nuqtalari, asimptotalari	184
25-ma'ruza. Lopital qoidalari.....	233
Mustaqil ish	235
Glossariy.....	237
Tarqatma materiallar	239
Test topshiriqlari	241
Matematik analiz fan dasturi	244
Ishchi o'quv dasturi	251

Annotatsiya

So‘nggi yillarda mamlakatimizda oliy ta‘lim sifatini oshirishga qaratilgan bir qancha chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. Chunki, jahon talablari darajasidagi raqobatbardosh kadrlar tayyorlash maqsadida talabalarga dunyo standartlariga javob beradigan bilim va ko‘nikmalar berish bugungi kunning eng dolzarb masalalaridan biri bo‘lib qolmoqda.

Mazkur o‘quv-uslubiy majmua “Matematik analiz” fani bo‘yicha tayyorlangan bo‘lib, u “5130100-Matematika” yo‘nalishi talabalari uchun mo‘ljallangan va Termiz davlat universiteti “Matematik analiz” kafedrasida o‘qituvchilari tomonidan tayyorlangan. Ushbu majmua mamlakatimizda “Matematik analiz” fanini o‘qitish bo‘yicha uzoq yillardan beri to‘plangan boy tajriba hamda rivojlangan xorijiy davlatlarning yetakchi Oliy ta‘lim muassasalarining tajribalaridan foydalangan holda, shuningdek, ularning o‘quv dasturlaridagi asosiy adabiyotlardan foydalangan holda yaratildi.

Matematik analiz fani matematikaning fundamental bo‘limlaridan biri bo‘lib, u matematikaning poydevori hisoblanadi. Matematik analiz kursi davomida ko‘pgina tushuncha va tasdiqlar, shuningdek, ularning tatbiqlari keltiriladi.

Matematik analiz fanining asosiy vazifasi shu fanning tushuncha, tasdiqlar va boshqa matematik ma‘lumotlar majmuasi bilan tanishtirishgina bo‘lmasdan, balki talabalarda mantiqiy fikrlash, matematik usullarni amaliy masalalarni yechishga qo‘llash ko‘nikmalarini shakllantirishdan iborat.

Ushbu o‘quv-uslubiy majmuada dastlab sillabus hamda o‘qitishda foydalaniladigan interfaol ta‘lim metodlari berilgan bo‘lib, so‘ngra har bir ma‘ruza bo‘yicha materiallar batartib berilgan. Bunda har bir ma‘ruza bo‘yicha matnlari, nazorat savollari, mashqlar, glossariy, amaliy mashg‘ulot materiallari, test savollari va keyslar banki keltirilgan.

1-мавзу: R^m фазо ва унинг муҳим тўпламлари

1-маъруза

РЕЖА:

1⁰. R^m фазо тушунчаси.

2⁰. R^m фазода нуқтанинг атрофи.

3⁰. R^m фазода очик ва ёпик тўпламлар.

4⁰. R^m фазода тўғри чизиқ ва кесма.

Таянч иборалар: фазо тушунчаси, фазода нуқтанинг атрофи, очик ва ёпик тўпламлар, фазода тўғри чизиқ ва кесма

1⁰. R^m фазо тушунчаси. Ҳақиқий сонлар тўплами R ёрдамида ушбу

$$\underbrace{R \times R \times \dots \times R}_{m \text{ та}} = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) : x_1 \in R, x_2 \in R, \dots, x_m \in R\} \quad (1)$$

тўпламни (R нинг декарт кўпайтмаларидан тузилган тўпламни) ҳосил қилайлик. Равшанки, (1) тўпламнинг ҳар бир элементи m та x_1, x_2, \dots, x_m ҳақиқий сонлардан ташкил топган тартибланган m лик

$$(x_1, x_2, \dots, x_m)$$

дан иборат бўлади. Уни (1) тўпламнинг нуқтаси дейилиб, битта ҳарф билан белгиланади:

$$x = (x_1, x_2, \dots, x_m).$$

Бунда x_1, x_2, \dots, x_m сонлар x нуқтанинг мос равишда биринчи, иккинчи, ... , m -координаталари дейилади.

Агар $x = (x_1, x_2, \dots, x_m)$, $y = (y_1, y_2, \dots, y_m)$ нуқталар учун $x_1 = y_1$, $x_2 = y_2, \dots, x_m = y_m$ бўлса, $x = y$ дейилади.

Фараз қилайлик,

$$x = (x_1, x_2, \dots, x_m), y = (y_1, y_2, \dots, y_m)$$

лар (1) тўпламнинг ихтиёрий икки нуқтаси бўлсин. Ушбу

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (y_k - x_k)^2}$$

миқдор x ва y нуқталар орасидаги масофа дейилади ва $\rho(x, y)$ каби белгиланади:

$$\rho(x, y) = \sqrt{\sum_{k=1}^m (y_k - x_k)^2} . \quad (2)$$

Энди масофанинг хоссаларини келтирамиз:

1) Ҳар доим $\rho(x, y) \geq 0$ ва $\rho(x, y) = 0 \Leftrightarrow x = y$ бўлади.

◀ (2) муносабатга кўра, ҳар доим $\rho(x, y) \geq 0$ бўлади. Агар $\rho(x, y) = 0$ бўлса, унда

$$(y_1 - x_1)^2 + (y_2 - x_2)^2 + \dots + (y_m - x_m)^2 = 0$$

бўлиб, натижада $x_1 = y_1, x_2 = y_2, \dots, x_m = y_m$, яъни $x = y$ бўлиши келиб чиқади. Аксинча, агар $x_1 = y_1, x_2 = y_2, \dots, x_m = y_m$ бўлса, унда (2) муносабатдан фойдаланиб $\rho(x, y) = 0$ бўлишини топамиз. ▶

2) $\rho(x, y)$ масофа x ва y уларга нисбатан симметрик бўлади: $\rho(x, y) = \rho(y, x)$.

◀ Бу хоссанинг исботи (2) муносабатдан келиб чиқади:

$$\rho(x, y) = \sqrt{\sum_{k=1}^m (y_k - x_k)^2} = \sqrt{\sum_{k=1}^m (x_k - y_k)^2} = \rho(y, x). \blacktriangleright$$

3) (1) тўпламнинг ихтиёрий

$$x = (x_1, x_2, \dots, x_m), \quad y = (y_1, y_2, \dots, y_m), \quad z = (z_1, z_2, \dots, z_m)$$

нуқталари учун

$$\rho(x, z) \leq \rho(x, y) + \rho(y, z)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

◀ Маълумки, ихтиёрий a_1, a_2, \dots, a_m ва b_1, b_2, \dots, b_m ҳақиқий сонлар учун

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (a_k + b_k)^2} \leq \sqrt{\sum_{k=1}^m a_k^2} + \sqrt{\sum_{k=1}^m b_k^2} \quad (3)$$

бўлади (қаралсин, [1], 12-боб, 1-§; одатда бу тенгсизликни Коши-Буняковский тенгсизлиги дейилади). (3) тенгсизликда

$$a_k = y_k - x_k, \quad b_k = z_k - y_k \quad (k = 1, 2, \dots, m)$$

деб топамиз:

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (z_k - x_k)^2} \leq \sqrt{\sum_{k=1}^m (y_k - x_k)^2} + \sqrt{\sum_{k=1}^m (z_k - y_k)^2}.$$

Бу эса

$$\rho(x, z) \leq \rho(x, y) + \rho(y, z)$$

бўлиниши билдирилади. ▶

Шундай қилиб, (1) тўпламда (тўплам элементлари орасида) масофа тушунчасининг киритилишини ҳамда масофа учта хоссага эга бўлишини кўрдик.

Одатда, (1) тўплам R^m фазо дейилади. Демак,

$$R^m = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) : x_1 \in R, x_2 \in R, \dots, x_m \in R\}.$$

Энди R^m фазодаги баъзи бир тўпламларни келтирамиз.

Айтайлик, бирор $a = (a_1, a_2, \dots, a_m) \in R^m$ нукта ва $r > 0$ сон берилган бўлсин.

Ушбу

$$B_r(a) = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : \sqrt{(x_1 - a_1)^2 + \dots + (x_m - a_m)^2} < r\}$$

қисқача,

$$B_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < r\}$$

тўплам маркази a нукта, радиуси r бўлган шар (m ўлчовли шар) дейилади.

Куйидаги

$$\bar{B}_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) \leq r\}$$

тўплам R^m фазода ёпиқ шар,

$$B_r^0(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) = r\}$$

тўплам эса, R^m фазода сфера (m ўлчовли сфера) дейилади.

Равшанки,

$$\bar{B}_r(a) = B_r(a) \cup B_r^0(a)$$

бўлади.

Ушбу

$$P(a_1, \dots, a_m; b_1, b_2, \dots, b_m) = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : a_1 < x_1 < b_1, a_2 < x_2 < b_2, \dots, a_m < x_m < b_m\}$$

тўплам R^m фазода параллелепипед дейилади, бунда $a_1, a_2, \dots, a_m; b_1, b_2, \dots, b_m$ ҳақиқий сонлар.

2⁰. R^m фазода нуктанинг атрофи. Бирор $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in R^m$ нукта ҳамда $\varepsilon > 0$ сон берилган бўлсин.

1-таъриф. Маркази x^0 нуктада радиуси ε бўлган R^m фазодаги шар, $x^0 \in R^m$ нуктанинг сферик атрофи дейилади ва $U_\varepsilon(x^0)$ каби белгиланади:

$$U_\varepsilon(x^0) = \{x \in R^m : \rho(x, x^0) < \varepsilon\}.$$

2-таъриф. Ушбу

$$P(\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m) = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m :$$

$$: x_1^0 - \delta_1 < x_1 < x_1^0 + \delta_1, x_2^0 - \delta_2 < x_2 < x_2^0 + \delta_2, \dots, x_m^0 - \delta_m < x_m < x_m^0 + \delta_m\}$$

параллелепипед x^0 нуктанинг параллелепипедал атрофи дейлади ва $\bar{U}_{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m}(x^0)$ каби белгиланади, бунда $\delta_1 > 0, \delta_2 > 0, \dots, \delta_m > 0$.

R^m фазодаги нуктанинг бу атрофлари орасидаги муносабатни қуйидаги лемма ифодалайди.

Лемма. $x^0 \in R^m$ нуктанинг ҳар қандай $U_\varepsilon(x^0)$ сферик атрофи олинганда ҳам ҳар доим x^0 нуктанинг шундай $\bar{U}_{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m}(x^0)$ параллелепипедал атрофи топиладики,

$$\bar{U}_{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m}(x^0) \subset U_\varepsilon(x^0)$$

бўлади.

Шунингдек, x^0 нуктанинг ҳар қандай $U_{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m}(x^0)$ параллелепипедал атрофи олинганда ҳам ҳар доим x^0 нуктанинг шундай $U_\varepsilon(x^0)$ сферик атрофи топиладики,

$$\bar{U}_\varepsilon(x^0) \subset U_{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m}(x^0)$$

бўлади.

◀ $x^0 \in R^m$ нуктанинг сферик атрофи

$$U_\varepsilon(x^0) = \{x \in R^m : \rho(x, x^0) < \varepsilon\}$$

берилган бўлсин. Демак, $\varepsilon > 0$ сон берилган. Унга кўра $\delta < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}}$

тенгсизликни қаноатлантирувчи δ сонни олиб, x^0 нуктанинг ушбу

$$\bar{U}_\delta(x^0) = \bar{U}_{\delta, \delta, \dots, \delta}(x^0) = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m :$$

$$: x_1^0 - \delta < x_1 < x_1^0 + \delta, x_2^0 - \delta < x_2 < x_2^0 + \delta, \dots, x_m^0 - \delta < x_m < x_m^0 + \delta\}$$

параллелепипедал атрофини тузамиз. Натижади x^0 нуктанинг

$$U_\varepsilon(x^0) \text{ ва } \bar{U}_\delta(x^0)$$

атрофларига эга бўламиз.

Айтайлик, $\forall x \in \bar{U}_\delta(x^0)$ бўлсин. Унда

$$|x_k - x_k^0| < \delta \quad (k = 1, 2, \dots, m)$$

бўлиб,

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (x_k - x_k^0)^2} < \sqrt{\sum_{k=1}^m \delta^2} = \delta \cdot \sqrt{m}$$

бўлади. Юқоридаги $\delta < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}}$ тенгсизликни эътиборга олиб топамиз:

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (x_k - x_k^0)^2} < \varepsilon.$$

Демак, $\rho(x, x^0) < \varepsilon$ бўлиб, $x \in U_\varepsilon(x^0)$ бўлади. Бундан

$$\bar{U}_\delta(x^0) \subset U_\varepsilon(x^0)$$

бўлиши келиб чиқади.

$x^0 \in R^m$ нуқтанинг параллелепипедиал атрофи

$$\bar{U}_{\delta_1 \delta_2 \dots \delta_m}(x^0) = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m :$$

$$: x_1^0 - \delta_1 < x_1 < x_1^0 + \delta_1, x_2^0 - \delta_2 < x_2 < x_2^0 + \delta_2, \dots, x_m^0 - \delta_m < x_m < x_m^0 + \delta_m\}$$

берилган бўлсин. Берилган $\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m$ мусбат сонлар ёрдамида

$$\varepsilon = \min\{\delta_1, \delta_2, \dots, \delta_m\}$$

сонини топиб, x^0 нуқтанинг ушбу

$$U_\varepsilon(x^0) = \{x \in R^m : \rho(x, x^0) < \varepsilon\}$$

сферик атрофни тузамиз. Натижада x^0 нуқтанинг

$$U_\varepsilon(x^0) \text{ ва } \bar{U}_{\delta_1 \delta_2 \dots \delta_m}(x^0)$$

атрофларига эга бўламиз.

Айтайлик, $\forall x \in U_\varepsilon(x^0)$ бўлсин. У ҳолда

$$\rho(x, x^0) = \sqrt{\sum_{k=1}^m (x_k - x_k^0)^2} < \varepsilon \leq \delta_k \quad (k = 1, 2, \dots, m)$$

бўлиб,

$$|x_k - x_k^0| < \delta_k \quad (k = 1, 2, \dots, m)$$

бўлади. Бундан эса $x \in \bar{U}_{\delta_1 \delta_2 \dots \delta_m}(x^0)$ бўлиши келиб чиқади. Демак,

$$U_\varepsilon(x^0) \subset \bar{U}_{\delta_1 \delta_2 \dots \delta_m}(x^0). \blacktriangleright$$

Бу лемма R^m фазо нуқтасининг бир атрофидан иккинчи атрофига ўтиши имконини беради.

3⁰. R^m фазода очик ва ёпиқ тўпламлар. Айтайлик, R^m фазода бирор G тўплам ($G \subset R^m$) берилган бўлиб, $x^0 \in G$ бўлсин.

Агар x^0 нуқта G тўпламга тегишли бўлган $U_\varepsilon(x^0)$ атрофга эга бўлса, ($U_\varepsilon(x^0) \subset G$) x^0 нуқта G тўпламнинг ички нуқтаси дейилади.

3-таъриф G тўпламнинг ҳар бир нуқтаси унинг ички нуқтаси бўлса, у очик тўплам дейилади.

1-мисол. R^m фазодаги ушбу

$$B_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < r\}$$


шарнинг очик тўплам эканлиги кўрсатилсин.

◀ $\forall x^0 \in B_r(a)$ нуқтани оламиз. Унда

$$r - \rho(x^0, a)$$

миқдор мусбат бўлади. Уни δ дейлик: $\delta = r - \rho(x^0, a)$. (22-чизма)

Энди x^0 нуқтанинг ушбу $U_\delta(x^0) = \{x \in R^m : \rho(x, x^0) < \delta\}$ атрофини қараймиз.



1.1-чизма

Бунда $U_\delta(x^0) \subset B_r(a)$ бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, $\forall x \in U_\delta(x^0) \Rightarrow \rho(x, x^0) < \delta$ бўлиб, масофанинг 3)-хоссасига кўра

$$\rho(x, a) \leq \rho(x, x^0) + \rho(x^0, a) < \delta + \rho(x^0, a) = r$$

бўлади. Демак,

$$\forall x \in U_\delta(x^0) \Rightarrow x \in B_r(x^0)$$

Бундан $U_\delta(x^0) \subset B_r(x^0)$ бўлиши келиб чиқади.

Демак, $B_r(a)$ тўпламнинг ҳар бир нуқтаси унинг ички нуқтаси бўлади. Бинобарин, $B_r(a)$ очик тўплам. ►

Айтайлик, $F \subset R^m$ тўплам ҳамда $x^0 \in R^m$ нуқта берилган бўлсин. Агар x^0 нуқтанинг ихтиёрий $U_\varepsilon(x^0)$ атрофида ($\forall \varepsilon > 0$) F тўпламнинг x^0 дан фарқли камида битта нуқтаси бўлса, x^0 нуқта F тўпламнинг лимит нуқтаси дейилади.

Масалан, ушбу

$$B_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < r\}$$

тўпламнинг ҳар бир нуқтаси унинг лимит нуқтаси бўлади. Айти пайтда,

$$B_r^0 = \{x \in R^m : \rho(x, a) = r\}$$

тўпламнинг барча нуқталари ҳам шу $B_r(a)$ тўпламнинг лимит нуқтаси бўлади. Бироқ, бу лимит нуқталар $B_r(a)$ тўпламга тегишли бўлмайди.

4-таъриф. Агар $F \subset R^m$ тўпламнинг барча лимит нукта-лари шу тўпламга тегишли бўлса, F ёпиқ тўплам дейилади.

Масалан,

$$\bar{B}_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) \leq r\}$$

тўплам (R^m фазодаги ёпиқ шар) ёпиқ тўплам бўлади

Бирор $M \subset R^m$ тўплам ҳамда $x^0 \in R^m$ нуктани қарайлик.

Агар x^0 нуктанинг ихтиёрий $U_\varepsilon(x^0)$ атрофида ҳам M тўпламнинг, ҳам $R^m \setminus M$ тўпламнинг нукталари бўлса, x^0 нукта M тўпламнинг чегаравий нуктаси дейилади. M тўпламнинг барча чегаравий нукталари унинг чегарасини ташкил этади. M тўпламнинг чегараси $\partial(M)$ каби белгиланади.

Масалан,

$$B_r^0(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) = r\}$$

тўплам

$$B_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < r\}$$

тўпламнинг чегараси бўлади:

$$\partial(B_r(a)) = B_r^0(a).$$

Агар $F \subset R^m$ тўпламнинг чегараси $\partial(F)$ шу тўпламга тегишли бўлса, F ёпиқ тўплам бўлади.

Масалан,

$$\bar{B}_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) \leq r\}$$

ёпиқ тўплам бўлади, чунки

$$\partial(\bar{B}_r(a)) = B_r^0(a) \subset \bar{B}_r(a).$$

4⁰. R^m фазода тўғри чизиқ ва кесма. Фараз қилайлик, R^m фазода

$$a = (a_1, a_2, \dots, a_m), \quad b = (b_1, b_2, \dots, b_m)$$

нукталар берилган бўлсин. Бу нукталар координаталари ёрдамида қуйидагиларни

$$\begin{aligned} x_1 &= a_1 t + b_1(1-t), \\ x_2 &= a_2 t + b_2(1-t), \\ &\dots\dots\dots \\ x_m &= a_m t + b_m(1-t), \end{aligned} \tag{4}$$

тузиб, (бунда $t \in R$) t ўзгарувчига боғлиқ бўлган R^m фазонинг

$$x = (x_1, x_2, \dots, x_m)$$

нукталарини ҳосил қиламиз. Бундай нукталар тўплами

$$\left\{ x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : \begin{aligned} x_1 &= a_1 t + b_1(1-t), \\ x_2 &= a_2 t + b_2(1-t), \dots, x_m = a_m t + b_m(1-t), \quad t \in R \end{aligned} \right\}$$

R^m фазода $a = (a_1, a_2, \dots, a_m)$ ва $b = (b_1, b_2, \dots, b_m)$ нуқталар орқали ўтувчи тўғри чизик дейилади.

Энди юқоридаги a ва b нуқталарнинг координаталари ёрдамида тузилган (4) муносабатда $0 \leq t \leq 1$ бўлсин. R^m фазонинг бундай нуқталари тўплами

$$\{x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : x_1 = a_1 t + b_1(1-t), x_2 = a_2 t + b_2(1-t), \dots, x_m = a_m t + b_m(1-t), 0 \leq t \leq 1\}$$

R^m фазода a ва b нуқталарни бирлаштирувчи тўғри чизик кесмаси дейилади.

R^m фазода чекли сондаги нуқталар берилган бўлсин. Бу нуқталарни бирин-кетин тўғри чизик кесмалари билан бирлаштиришдан ташкил топган чизик синик чизик дейилади.

Агар $M \subset R^m$ тўпламнинг ихтиёрий икки нуқтасини бирлаштитрувчи шундай синик чизик топилсаки, у шу M тўпламга тегишли бўлса, M боғламли тўплам дейилади.

5-таъриф. Агар $M \subset R^m$ тўплам очик ҳамда боғламли тўплам бўлса, у соҳа дейилади.

Масалан, $B_r(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < r\}$ соҳа бўлади.

5⁰. Хусусий ҳоллар. $m = 1$ бўлганда $R^m = R$ бўлиб, у барча ҳақиқий сонлардан иборат тўплам бўлади. Бу тўпламнинг ҳар бир элементи тўғри чизик нуқтасини, тўпламнинг ўзи эса тўғри чизикни ифодалайди.

Икки $x \in R$, $y \in R$ нуқталар орасида масофа

$$\rho(x, y) = |x - y|,$$

$x_0 \in R$ нуқтанинг атрофи

$$U_\varepsilon(x_0) = \{x \in R : \rho(x, x_0) < \varepsilon\} = (x_0 - \varepsilon, x_0 + \varepsilon)$$

бўлади.

$m = 2$ бўлганда $R^m = R^2$ бўлиб, у барча текислик нуқта-ларидан иборат тўплам бўлади. Бу тўпламнинг икки $x = (x_1, x_2)$, $y = (y_1, y_2)$ нуқталари орасидаги масофа

$$\rho(x, y) = \sqrt{(y_1 - x_1)^2 + (y_2 - x_2)^2},$$

$x^0 = (x_0, y_0)$ нуқтанинг сферик атрофи

$$U_\varepsilon(x^0) = \{(x, y) \in R^2 : \rho((x, y), (x_0, y_0)) < \varepsilon\} = \{(x, y) \in R^2 : \sqrt{(x - x_0)^2 + (y - y_0)^2} < \varepsilon\}$$


бўлади.

$$R^2 \text{ фазода ушбу } \{(x, y) \in R^2 : \rho((x, y), (x_0, y_0)) < r\}$$

тўплам очик, куйидаги

$$\{(x, y) \in R^2 : x \geq 0, y \geq 0, x + y \leq 1\}$$

тўплам эса ёпиқ тўплам бўлади. Улар 1.2-чизмада тавсирланган.



1.2-чизма
Машқлар

1. Агар $G_1 \subset R^m$, $G_2 \subset R^m$ очик тўпламлар бўлса,

$$G_1 \cup R^m, G_2 \cap R^m$$

тўпламларнинг очик тўплам бўлиши кўрсатилсин.

2. Агар $F_1 \subset R^m$, $F_2 \subset R^m$ ёпиқ тўпламлар бўлса,

$$F_1 \cup R^m, F_2 \cap R^m$$

тўпламларнинг ёпиқ тўплам бўлиши кўрсатилсин.

ГЛОССАРИЙ

R^m фазода нуктанинг атрофи. Бирор $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in R^m$ нукта ҳамда $\varepsilon > 0$ сон берилган бўлсин.

Маркази x^0 нуктада радиуси ε бўлган R^m фазодаги шар, $x^0 \in R^m$ нуктанинг сферик атрофи дейилади ва $U_\varepsilon(x^0)$ каби белгиланади:

$$U_\varepsilon(x^0) = \{x \in R^m : \rho(x, x^0) < \varepsilon\}.$$

Агар x^0 нукта G тўпламга тегишли бўлган $U_\varepsilon(x^0)$ атрофга эга бўлса, $(U_\varepsilon(x^0) \subset G)$ x^0 нукта G тўпламнинг ички нуктаси дейилади.

КЕЙС БАНКИ

R^2 fazoda quyidagi ketma-ketliklarning limiti $a(a \in R^2)$ ekanligi ta'rif yordamida isbotlansin.

$$1.1 \quad x^{(n)} = \left(\frac{13-n^2}{1+2n^2}, \frac{2n-1}{2-3n} \right); \quad a \left(-\frac{1}{2}; -\frac{2}{3} \right).$$

Кейси бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейс муаммони ҳал қилиш мумкин бўлган асосий формула, тушунча ва тасдиқларни келтиринг (индивидиал ва кичик гуруҳларда)
- Тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, қўйилган масалани ечинг

1-амалий машғулот

R^m фазодаги кетма-кетликларнинг лимитини ҳисоблаш

1⁰. R^m фазода кетма-кетлик ва uning limiti

Ushbu

$$R^m = \underbrace{R \times R \times \dots \times R}_{m\text{-та}} = \{ (x_1, x_2, \dots, x_m) : x_k \in R, k = \overline{1, m} \}$$

to'plamga **m o'lchovli Yevklid fazosi** deyiladi.

Ixtiyoriy $x = (x_1, \dots, x_m) \in R^m$ va $y = (y_1, \dots, y_m) \in R^m$ nuqtalarni olaylik. Quyidagi

$$\rho(x, y) = \sqrt{(y_1 - x_1)^2 + \dots + (y_m - x_m)^2} = \sqrt{\sum_{k=1}^m (y_k - x_k)^2} \quad (1)$$

miqdor x va y nuqtalar orasidagi **masofa** deb ataladi.

U quyidagi xossalarga ega:

- 1) $\rho(x, y) \geq 0$ va $(\rho(x, y) = 0 \Leftrightarrow x = y)$;
- 2) $\rho(x, y) = \rho(y, x)$;
- 3) $\rho(x, z) \leq \rho(x, y) + \rho(y, z)$; (uchburchak tengsizligi).

Natural sonlar to'plami N va R^m fazo berilgan bo'lib, f har bir $n \in N$ ga R^m fazoning biror $x^{(n)} = (x_1^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}) \in R^m$ nuqtasini mos qo'yuvchi akslantirish bo'lsin:

$$f : N \rightarrow R^m \text{ yoki } n \rightarrow x^{(n)}$$

$f : N \rightarrow R^m$ akslantirish obrazlaridan tuzilgan

$$x^{(1)}, x^{(2)}, \dots, x^{(n)} \dots \quad (2)$$

to'plam **ketma-ketlik** deb ataladi va u $\{x^{(n)}\}$ kabi belgilanadi.

Demak, (2)-ketma-ketlikning xadlari R^m fazo nuqtalaridan iborat. $\{x^{(n)}\}$ ketma-ketlikning mos koordinatalaridan tuzilgan $\{x_1^{(n)}\}, \dots, \{x_m^{(n)}\}$ lar sonli ketma-ketlik bo'lib, $\{x^{(n)}\}$ ketma-ketlikni shu m ta ketma-ketlikning birgalikda qaralishi deb hisoblash mumkin.

Aytaylik R^m fazoda $\{x^{(n)}\}$ ketma-ketlik va $a = (a_1, \dots, a_m) \in R^m$ nuqta berilgan bo'lsin.

1-Ta'rif. $\forall \varepsilon > 0, \exists n_0(\varepsilon) \in N : \forall n > n_0 \Rightarrow \rho(x^{(n)}, a) < \varepsilon$, unda a nuqta $\{x^{(n)}\}$ ketma-ketlikning **limiti** deb ataladi va $\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a$ kabi belgilanadi.

Limitga quyidagicha ham ta'rif berish mumkin.

2-Ta'rif. Agar a nuqtaning $\forall \bigcup_{\delta}(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < \delta\}$ atrofi olinganda ham $\exists n_0(\varepsilon) \in N : \forall n > n_0 \Rightarrow x_n \in \bigcup_{\delta}(a)$, unda a nuqta $\{x^{(n)}\}$ ketma-ketlikning **limiti** deb ataladi.

Teorema. R^m fazoda $\{x^{(n)}\} = \{(x_1^{(n)}, \dots, x_m^{(n)})\}$ ketma-ketlikning $a = (a_1, \dots, a_m) \in R^m$ nuqtaga yaqinlashishi uchun $n \rightarrow \infty$ da bir yo'la $x_1^{(n)} \rightarrow a_1, \dots, x_m^{(n)} \rightarrow a_m$ bo'lishi zarur va yetarli.

R^m fazodagi ketma-ketlik uchun ham sonli ketma-ketlik uchun o'rinli bo'lgan xossalr o'rinli. Biz ularga to'xtalmaymiz.

R^2 fazoda quyidagi ketma-ketliklarning limiti $a(a \in R^2)$ ekanligi ta'rif yordamida isbotlansin.

$$1.1 \quad x^{(n)} = \left(\frac{13 - n^2}{1 + 2n^2}, \frac{2n - 1}{2 - 3n} \right); a \left(-\frac{1}{2}; -\frac{2}{3} \right).$$

$$1.2 \quad x^{(n)} = \left(\frac{3n^2 + 2}{4n^2 - 1}, \frac{2n^3}{n^3 - 2} \right); a \left(\frac{3}{4}; 2 \right).$$

$$1.3 \quad x^{(n)} = \left(\frac{1 - 2n^2}{n^2 + 3}, \frac{3n^2}{2 - n^2} \right); a(-2; -3).$$

$$1.4 \quad x^{(n)} = \left(\frac{4 + 2n}{1 - 3n}, \frac{5n + 15}{6 - n} \right); a \left(-\frac{2}{3}; -5 \right).$$

$$1.5 \quad x^{(n)} = \left(\frac{4n^2 + 1}{3n^2 + 2}, \frac{4 - n^3}{3 + 2n^3} \right); a \left(\frac{4}{3}; -\frac{1}{2} \right).$$

$$1.6 \quad x^{(n)} = \left(\frac{1 - 2n^2}{2 + 4n^2}, -\frac{5n}{n + 1} \right); a \left(-\frac{1}{2}; -5 \right).$$

$$1.7 \quad x^{(n)} = \left(\frac{1}{n}; \frac{2}{n} \cos n\pi \right); a(0,0).$$

$$1.8 \quad x^{(n)} = \left(\frac{3n-2}{2n-1}; \frac{4n-1}{2n+1} \right); a\left(\frac{3}{2}; 2\right)$$

$$1.9 \quad x^{(n)} = \left(\frac{2n}{3n+1}; \frac{1+n}{1-2n} \right); a\left(\frac{2}{3}; -\frac{1}{2}\right).$$

$$1.10 \quad x^{(n)} = \left(\frac{\cos n}{n}; \frac{n-1}{n^2+1} \right); a(0,0).$$

$$1.11 \quad x^{(n)} = \left(\frac{1}{n^2}; \frac{5}{n} \right); a(0,0).$$

$$1.12 \quad x^{(n)} = \left(\frac{2}{n}; \frac{n}{n+1} \right); a(0,1).$$

2-мавзу: R^m фазода кетма-кетлик ва унинг лимити

2-маъруза

РЕЖА:

- 1⁰. R^m фазода кетма-кетлик ва унинг лимити тушунча-лари.
- 2⁰. Кетма-кетлик лимитининг мавжудлиги.
- 3⁰. Ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар принципи.
- 4⁰. Қисмий кетма-кетликлар. Больцано-Вейерштрасс теоремаси.

Таянч иборалар: фазода кетма-кетлик ва унинг лимити тушунчалари, Ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар принципи, $\{B_n\}$ R^m фазода ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар кетма-кетлиги

1⁰. R^m фазода кетма-кетлик ва унинг лимити тушунча-лари. Айтайлик, бирор қоидага кўра ҳар бир натурал сон n га R^m фазонинг битта

$$x^{(n)} = (x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}) \quad (n = 1, 2, \dots)$$

нуктаси мос қўйилган бўлсин. Бу мослик натижасида R^m фазо нуқталаридан ташкил топган ушбу

$$(x_1^{(1)}, x_2^{(1)}, \dots, x_m^{(1)}), (x_1^{(2)}, x_2^{(2)}, \dots, x_m^{(2)}), \dots, (x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}), \dots$$

қисқача

$$x^{(1)}, x^{(2)}, \dots, x^{(n)}, \dots$$

тўплам ҳосил бўлади. Уни $R^{(m)}$ фазода кетма-кетлик дейилиб, $\{x^{(n)}\}$ каби белгиланади. Демак, $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг ҳадлари R^m фазо нуқталаридан иборат бўлиб, бу нуқталар-нинг координаталари m та

$$\{x_1^{(n)}\}, \quad \{x_2^{(n)}\}, \quad \dots \quad \{x_m^{(n)}\}, \quad (n=1,2,\dots)$$

сонлар кетма-кетликларини юзага келтиради.

Фараз қилайлик, R^m фазода $\{x^{(n)}\}$:

$$x^{(1)}, x^{(2)}, \dots, x^{(n)}, \dots \quad (1)$$

кетма-кетлик ҳамда

$$a = (a_1, a_2, \dots, a_m) \in R^m$$

нуқта берилган бўлсин.

1-таъриф. Агар $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам, шундай $n_0 \in N$ сон топилсаки, барча $n > n_0$ учун

$$\rho(x^{(n)}, a) < \varepsilon$$

яъни

$$\forall \varepsilon > 0, \quad \exists n_0 \in N, \quad \forall n > n_0 : \quad \rho(x^{(n)}, a) < \varepsilon$$

бўлса, a нуқта $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг лимити дейилади ва

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a \quad \text{ёки} \quad n \rightarrow \infty \quad \text{да} \quad x^{(n)} \rightarrow a$$

каби белгиланади.

$\forall n > n_0$ да

$$\rho(x^{(n)}, a) < \varepsilon$$

тенгсизликнинг бажарилиши, (1) кетма-кетликнинг n_0 дан катта номерли ҳадлари a нуқтанинг $U_\varepsilon(a)$ атрофига тегишли бўлишини билдиради. Бу ҳол (1) кетма-кетликнинг лимитини қуйидагича таърифлаш имконини беради.

2-таъриф. Агар $a \in R^m$ нуқтанинг ихтиёрий $U_\varepsilon(a)$ атрофи олингандан ҳам, $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг бирор ҳадидан кейинги барча ҳадлари шу атрофга тегишли бўлса, a нуқта $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг лимити дейилади.

1-мисол. R^m фазода ушбу

$$\{x^{(n)}\} = \left\{ \frac{1}{n}, \frac{1}{n}, \dots, \frac{1}{n} \right\}$$

кетма-кетликнинг лимити $a = (0, 0, \dots, 0)$ бўлиши кўрсатилсин.

◀ $\forall \varepsilon > 0$ сонини олиб, унга кўра $n_0 = \left[\frac{\sqrt{m}}{\varepsilon} \right] + 1$ ни топамиз.

Унда $\forall n > n_0$ учун

$$\rho(x^{(n)}, a) = \rho\left(\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n}, \dots, \frac{1}{n}\right), (0, 0, \dots, 0)\right) = \frac{\sqrt{m}}{n} < \frac{\sqrt{m}}{n_0} = \frac{\sqrt{m}}{\left[\frac{\sqrt{m}}{\varepsilon}\right] + 1} < \varepsilon$$

бўлади. Демак,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a \quad \blacktriangleright$$

2⁰. Кетма-кетлик лимитининг мавжудлиги. Фараз қилай-лик, R^m фазода $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик ва $a \in R^m$ нукта берилган бўлсин.

1-теорема. Агар R^m фазода

$$x^{(n)} = (x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}) \quad (n = 1, 2, \dots)$$

кетма-кетлик

$$a = (a_1, a_2, \dots, a_m)$$

лимитга эга бўлса;

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a,$$

у ҳолда

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_1^{(n)} = a_1,$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_2^{(n)} = a_2,$$

.....

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_m^{(n)} = a_m,$$

бўлади.

◀ Айтайлик

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a$$

бўлсин. Лимит таърифига биноан $\forall n > n_0 \in N$ учун

$$x^{(n)} \in U_\varepsilon(a) = \{x \in R^m : \rho(x, a) < \varepsilon\} \quad (\forall \varepsilon > 0)$$

бўлади. Равшанки,

$$U_\varepsilon(a) \subset \tilde{U}_\varepsilon(a)$$

бунда,

$$\tilde{U}_\varepsilon(a) = x = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m :$$

$$a_1 - \varepsilon < x_1 < a_1 + \varepsilon, a_2 - \varepsilon < x_2 < a_2 + \varepsilon, \dots, a_m - \varepsilon < x_m < a_m + \varepsilon\}.$$

Кейинги муносабатлардан, $\forall n > n_0$ учун

$$a_1 - \varepsilon < x_1^{(n)} < a_1 + \varepsilon ,$$

$$a_2 - \varepsilon < x_2^{(n)} < a_2 + \varepsilon ,$$

.....

$$a_m - \varepsilon < x_m^{(n)} < a_m + \varepsilon$$

ЯЪНИ

$$|x_1^{(n)} - a_1| < \varepsilon ,$$

$$|x_2^{(n)} - a_2| < \varepsilon ,$$

.....

$$|x_m^{(n)} - a_m| < \varepsilon$$

бўлишини топамиз. Бундан эса

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_1^{(n)} = a_1 ,$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_2^{(n)} = a_2 ,$$

.....

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_m^{(n)} = a_m$$

бўлиши келиб чиқади. ►

2-теорема. Агар R^m фазодаги

$$\{x^n\} = \{ (x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, \dots, x_m^{(n)}) \} \quad (n=1,2,\dots)$$

кетма-кетлик ва $a = (a_1, a_2, \dots, a_m)$ нуқта учун

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_1^{(n)} = a_1 ,$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_2^{(n)} = a_2 ,$$

.....

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_m^{(n)} = a_m$$

бўлса, у ҳолда $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик лимитига эга бўлиб,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a ,$$

бўлади.

◀ Теореманинг шарти ҳамда лимит таърифидан фойдаланиб топамиз:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_1^{(n)} = a_1 \Rightarrow \forall \varepsilon > 0, \exists n_0^{(1)} \in N, \forall n > n_0^{(1)} : |x_1^{(n)} - a_1| < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}} \text{ бўлади.}$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_2^{(n)} = a_2 \Rightarrow \forall \varepsilon > 0, \exists n_0^{(2)} \in N, \forall n > n_0^{(2)} : |x_2^{(n)} - a_2| < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}} \text{ бўлади.}$$

.....

$\lim_{n \rightarrow \infty} x_m^{(n)} = a_m \Rightarrow \forall \varepsilon > 0, \exists n_0^{(m)} \in N, \forall n > n_0^{(m)} : |x_m^{(n)} - a_m| < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}}$ бўлади.

Агар

$$n_0 = \max\{n_0^{(1)}, n_0^{(2)}, \dots, n_0^{(m)}\}$$

дейилса, унда $\forall n > n_0$ да бир йўла

$$|x_k^{(n)} - a_k| < \frac{\varepsilon}{\sqrt{m}} \quad (k = 1, 2, \dots, m)$$

тенгсизликлар бажарилади. У ҳолда

$$\sqrt{\sum_{k=1}^m (x_k^{(n)} - a_k)^2} < \sqrt{\sum_{k=1}^m \left(\frac{\varepsilon}{\sqrt{m}}\right)^2} = \varepsilon$$

яъни,

$$\rho(x^{(n)}, a) < \varepsilon$$

бўлади. Демак,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a. \blacktriangleright$$

Бу теоремалардан қуйидаги тасдиқ келиб чиқади.

R^m фазода $\{x^{(n)}\} = \{(x_1^{(n)}, x_2^{(n)}, \dots, x_m^{(n)})\}$ кетма-кетлик
 $a = (a_1, a_2, \dots, a_m)$ лимитга,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a$$

эга бўлиши учун бир йўла

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_1^{(n)} = a_1,$$

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_2^{(n)} = a_2,$$

.....

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x_m^{(n)} = a_m,$$

бўлиши зарур ва етарли.

Бу муҳим тасдиқ бўлиб, у R^m фазодаги кетма-кетликлар лимитларини ўрганишни сонлар кетма-кетликлар лимитлари-ни ўрганишга олиб келади. Сонлар кетма-кетликларнинг лимити эса 6-8-маърузаларда батафсил баён этилган.

Агар (1) кетма-кетлик лимитга эга бўлса, у яқинлашувчи кетма-кетлик дейилади.

Юқоридаги келтирилган тасдиқдан фойдаланиб исботланадиган муҳим теоремани келтирамиз. Аввало R^m фазода кетма-кетликнинг фундаменталлигини таърифлаймиз.

3-таъриф. R^m фазода $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик берилган бўлсин. Агар $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам, шундай $n_0 \in N$ топилсаки, $\forall n > n_0, \forall P > n_0$ лар учун

$$\rho(x^{(n)}, x^{(P)}) < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, $\{x^{(n)}\}$ фундаментал кетма-кетлик дейилади.

3-теорема (Коши теоремаси). $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг яқинлашувчи бўлиши учун унинг фундаментал бўлиши зарур ва етарли.

Бу теорема 9-маърузада келтирилган 3-теорема каби исботланади.

3⁰. Ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар принципи. R^m фазода марказлари

$$a^{(n)} = (a_1^{(n)}, a_2^{(n)}, \dots, a_m^{(n)}) \quad (n = 1, 2, \dots)$$

нуқталарда, радиуслари $r_n > 0$ ($n = 1, 2, \dots$) бўлган ушбу

$$B_1 = \bar{B}_{r_1}(a^{(1)}) = \{x \in R^m : \rho(x, a^{(1)}) \leq r_1\}$$

$$B_2 = \bar{B}_{r_2}(a^{(2)}) = \{x \in R^m : \rho(x, a^{(2)}) \leq r_2\}$$

.....

$$B_n = \bar{B}_{r_n}(a^{(n)}) = \{x \in R^m : \rho(x, a^{(n)}) \leq r_n\}$$

.....

ёпиқ шарлар кетма-кетлигини қарайлик. Агар бу ёпиқ шарлар кетма-кетлигининг ҳадлари учун қуйидаги

$$B_1 \supset B_2 \supset \dots \supset B_n \supset \dots$$

муносабат ўринли бўлса, $\{B_n\}$ ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар кетма-кетлиги дейилади.

Айтайлик, $\{B_n\}$ R^m фазода ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар кетма-кетлиги бўлсин.

4-теорема. Агар $n \rightarrow \infty$ да шар радиуслари r_n нолга интилса, яъни

$$\lim_{n \rightarrow \infty} r_n = 0$$

бўлса, у ҳолда барча ёпиқ шарларга тегишли бўлган a нуқта ($a \in R^m$) мавжуд ва у ягона бўлади.

◀ Шар марказларидан тузилган

$$\{a^{(n)}\} \quad (a^{(n)} \in R^m, \quad n = 1, 2, \dots)$$

кетма-кетликни қарайлик. Унинг фундаментал кетма-кетлик бўлишини кўрсатамиз.

Шартга кўра $\lim_{n \rightarrow \infty} r_n = 0$. Унда

$$\forall \varepsilon > 0, \quad \exists n_0 \in N, \quad n > n_0 : r_n < \varepsilon$$

бўлади. Айти пайтда, ёпиқ шарлар ичма-ич жойлашган-лигидан ихтиёрий

$$P > n > n_0$$

учун

$$\bar{B}_{r_p}(a^{(P)} \supset \bar{B}_{r_n}(a^{(n)}))$$

бўлиб,

$$\rho(a^{(n)}, a^{(P)}) \leq r_p < \varepsilon$$

бўлади.

Демак, $\{a^{(n)}\}$ фундаменталкетма-кетлик. Унда Коши теорема-сига кўра у яқинлашувчи бўлади:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} a^{(n)} = a. \quad (a \in R^m)$$

Бу a нукта $\bar{B}_{r_n}(a^{(n)})$ тўпламнинг лимит нуктаси ва $\bar{B}_{r_n}(a^{(n)})$ ёпик бўлганлиги учун $a \in \bar{B}_{r_n}(a^{(n)})$ ($n = 1, 2, \dots$) бўлади. Демак, a барча шарларга тегишли бўлган нукта. Фараз қилайлик, a нуктадан фарқли барча шарларга тегишли бўлган b нукта ($b \in R^m$) мавжуд бўлсин: $b \in \bar{B}_{r_n}(a^{(n)})$ $b \neq a$.

Масофанинг 3-хоссасидан фойдаланиб топамиз:

$$\rho(a, b) \leq \rho(a, a^{(n)}) + \rho(a^{(n)}, b) \leq 2r_n.$$

Агар $n \rightarrow \infty$ да $r_n \rightarrow 0$ бўлишини эътиборга олсак, кейинги муносабатдан $\rho(a, b) = 0$, яъни $a = b$ бўлиши келиб чиқади. ►

Одатда, бу теорема ичма-ич жойлашган ёпик шарлар принципи дейилади.

4⁰. Қисмий кетма-кетликлар. Больцано-Вейерштрасс теоремаси. R^m фазода $\{x^{(n)}\}$:

$$x^{(1)}, x^{(2)}, \dots, x^{(n)}, \dots$$

кетма-кетлик берилган бўлсин. Ушбу кетма-кетлик

$$x^{(n_1)}, x^{(n_2)}, \dots, x^{(n_k)}, \dots,$$

бунда,

$$n_1 < n_2 < \dots < n_k < \dots; n_k \in N, \quad k = 1, 2, \dots,$$

берилган $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг қисмий кетма-кетлиги дейилади. У $\{x^{(n_k)}\}$ каби белгиланади.

Равшанки, битта кетма-кетликнинг турлича қисмий кетма-кетликлари бўлади.

Агар $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик яқинлашувчи бўлиб,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a$$

бўлса, бу кетма-кетликнинг ҳар қандай қисмий кетма-кетлиги $\{x^{(n_k)}\}$ ҳам яқинлашувчи бўлиб,

$$\lim_{k \rightarrow \infty} x^{(n_k)} = a$$

бўлади.

Бу тасдиқнинг исботи кетма-кетлик лимити таърифидан бевосита келиб чиқади.

Айтайлик, R^m фазода бирор M тўплам берилган бўлсин: $M \subset R^m$. Агар R^m фазода маркази $(0, 0, \dots, 0) \in R^m$, радиуси $r > 0$ бўлган шар

$$U^0 = \{(x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : \rho((x_1, x_2, \dots, x_m), (0, 0, \dots, 0)) < r\}$$

топилсаки:

$$M \subset U^0$$

бўлса, M чегараланган тўплам дейилади.

Энди Больцано-Вейерштрасс теоремасини исботсиз келтирамиз.

5-теорема (Больцано-Вейерштрасс теоремаси). R^m фазода ҳар қандай чегараланган кетма-кетликдан яқинлашувчи қисмий кетма-кетлик ажратиш мумкин.

5⁰. Хусусий ҳоллар. $m=1$ бўлганда $R^m = R$ бўлиб, ундаги кетма-кетлик сонлар кетма-кетлиги бўлади. Маълумки, сонлар кетма-кетлиги ва унинг лимити 6-8-маърузаларда батафсил ўрганилган.

$m=2$ бўлганда $R^m = R^2$ бўлиб, ундаги кетма-кетлик текислик нуқталаридан иборат

$$(x_1, y_1), (x_2, y_2), \dots, (x_n, y_n), \dots \quad (x_n \in R, y_n \in R, n=1, 2, \dots)$$

кетма-кетлик бўлади. Бу кетма-кетликнинг лимити $\{x_n\}$ ва $\{y_n\}$ сонлар кетма-кетликларининг лимитлари орқали ўрганилади.

Масалан, ушбу

$$\{(-1^n), (-1)^n\}:$$

$$(-1, -1), (1, 1), (-1, -1), \dots, ((-1)^n, (-1)^n), \dots$$

кетма-кетлик лимитга эга бўлмайди, чунки

$$x_n = (-1)^n, y_n = (-1)^n \quad (n=1, 2, \dots)$$

кетма-кетликлар лимитга эга эмас.

Машқлар

1. Агар $x^0 \in R^m$ нуқта $M \subset R^m$ тўпламнинг лимит нуқтаси бўлса, M тўплам элементларидан ташкил топган ва x^0 нуқтага яқинлашадиган

$$\{x^{(n)}\} \quad (x^{(n)} \in M, x^{(n)} \neq x^0, n=1, 2, \dots)$$

кетма-кетликларнинг мавжудлиги кўрсатилсин.

2. Агар

$$\lim_{n \rightarrow \infty} x^{(n)} = a \quad (x^{(n)} \in R^m, a \in R^m, n=1, 2, \dots)$$

бўлса, $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетликнинг чегараланганлиги кўрсатилсин.

ГЛОССАРИЙ

Қисмий кетма-кетликлар. Больцано-Вейерштрасс

Ичма-ич жойлашган ёпиқ шарлар принципи.

фундаментал кетма-кетлик - R^m фазода $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик берилган бўлсин. Агар $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам, шундай $n_0 \in N$ топилсаки, $\forall n > n_0, \forall P > n_0$ лар учун

$$\rho(x^{(n)}, x^{(P)}) < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, $\{x^{(n)}\}$ **фундаментал кетма-кетлик** дейилади.

КЕЙС БАНКИ

R^2 fazoda quyidagi ketma-ketliklarning limiti $a(a \in R^2)$ ekanligi ta`rif yordamida isbotlansin.

$$1.1 \quad x^{(n)} = \left(\frac{13-n^2}{1+2n^2}, \frac{2n-1}{2-3n} \right); \quad a \left(-\frac{1}{2}; -\frac{2}{3} \right).$$

Кейсни бажариш босқичлари ва топшириқлар:

- Кейс муаммони ҳал қилиш мумкин бўлган асосий формула, тушунча ва тасдиқларни келтиринг (индивудиял ва кичик гуруҳларда)
- Тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, қўйилган масалани ечинг

2-амалий машғулот

R^2 fazoda quyidagi ketma-ketliklarning limiti topilsin.

$$1.13. x^{(n)} = \left(\frac{1+2+\dots+n}{\sqrt{9n^4+1}}; \left(\frac{2n+3}{2n+1} \right)^{n+1} \right).$$

$$1.14. x^{(n)} = \left(\frac{(2n+1)!(2n+2)!}{(2n+3)!}; \left(\frac{n-1}{n+3} \right)^{n+2} \right).$$

$$1.15. x^{(n)} = \left(\frac{2^{n+1}+3^{n+1}}{2^n+3^n}; \left(\frac{n^2-1}{n^2} \right)^{n^4} \right).$$

$$1.16. x^{(n)} = \left(\frac{1+2+\dots+n}{\sqrt{9n^4+1}}; \left(\frac{2n+3}{2n+1} \right)^{n+1} \right).$$

$$1.17. x^{(n)} = \left(\frac{1+4+7+\dots+(3n-2)}{\sqrt{5n^4+n+1}}; \left(\frac{n+1}{n-1} \right)^n \right).$$

$$1.18. x^{(n)} = \left(\frac{(n+4)!-(n+2)!}{(n+3)!}; \left(\frac{n+3}{n+5} \right)^{n+4} \right).$$

$$1.19. x^{(n)} = \left(\frac{\sqrt[3]{n^3+5}-\sqrt{3n^4+2}}{1+3+5+\dots+(2n-1)}; \left(\frac{n^3+1}{n^3-1} \right)^{2n-n^3} \right)$$

$$1.20. x^{(n)} = \left(\frac{3}{4} + \frac{5}{16} + \frac{9}{64} + \dots + \frac{1+2^n}{4^n}, n(\sqrt[3]{5+8n^3}-2n) \right).$$

$$1.21. x^{(n)} = \left(\frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \dots + \frac{1}{n(n+1)}; \sqrt{2} \cdot \sqrt[4]{2} \cdot \sqrt[8]{2} \cdot \dots \cdot \sqrt[2^n]{2} \right).$$

3-мавзу: Кўп ўзгарувчили функция ва унинг лимити

3-маъруза

РЕЖА:

1⁰. Кўп ўзгарувчили функция тушунчаси.

2⁰. Кўп ўзгарувчили функция лимити (каррали лимити) таърифлари.

3⁰. Функция лимитининг мавжудлиги.

4⁰. Такрорий лимитлар.

Таянч иборалар: Кўп ўзгарувчили функция лимити (каррали лимити), такрорий лимитлар, Кўп ўзгарувчили функция тушунчаси

1⁰. Кўп ўзгарувчили функция тушунчаси. Фараз қилайлик, R^m фазода E тўплам берилган бўлсин: $E \subset R^m$.

1-таъриф. Агар E тўпламдаги ҳар бир $x = (x_1, x_2, \dots, x_m)$ нуктага бирор f қоидага кўра битта ҳақиқий u сон мос кўйилган бўлса, E тўпламда кўп ўзгарувчили (m та ўзгарувчили) функция берилган (аниқланган) дейилади. Уни

$$f : x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \rightarrow u \text{ ёки } u = f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$$

$$(x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m, u \in R)$$

каби белгиланади. Бунда E функциянинг берилиш (аниқланиш) тўплами, x_1, x_2, \dots, x_m лар (эркли ўзгарувчилар) функция аргументлари, u эса x_1, x_2, \dots, x_m ларнинг функцияси дейилади.

Масалан, f - ҳар бир

$$x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in M,$$

$$M = \{x \in R^m : \rho(x, 0) \leq 1\}$$

нуктага ушбу

$$(x_1, x_2, \dots, x_m) \rightarrow \sqrt{1 - x_1^2 - x_2^2 - \dots - x_m^2}$$

қоида билан битта ҳақиқий u сонини мос кўйсин. Бу ҳолда $M \subset R^m$ тўпламда аниқланган

$$u = \sqrt{1 - x_1^2 - x_2^2 - \dots - x_m^2}$$

функция хосил бўлади.

Айтайлик, $u = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция (кўп ҳолларда бу функцияни $u = f(x)$ каби ёзамиз) $E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлсин.

$x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in E$ нуктага мос келувчи u_0 сон $u = f(x)$ функциянинг x^0 нуктадаги хусусий қиймати дейилади: $u_0 = f(x^0)$.

Берилган функциянинг барча хусусий қийматларидан иборат ушбу

$$\{u = f(x) : x \in E\} \quad (1)$$

сонлар тўплам $u = f(x)$ функция қийматлари тўплами дейилади. Агар (1) тўплам чегараланган бўлса, $u = f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функ-ция E тўпламда чегараланган дейилади.

R^{m+1} фазодаги ушбу

$$\{(x, f(x)) : x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m, f(x) \in R\}$$

тўплам кўп ўзгарувчили $u = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функциянинг графиги дейилади.

Фараз қилайлик, юқорида қаралаётган $f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функцияда

$$x_1 = \varphi_1(t) = \varphi_1(t_1, t_2, \dots, t_k),$$

$$x_2 = \varphi_2(t) = \varphi_2(t_1, t_2, \dots, t_k),$$

.....

$$x_m = \varphi_m(t) = \varphi_m(t_1, t_2, \dots, t_k),$$

бўлсин, бунда $\varphi_i(t)$ функция ($i = 1, 2, \dots, m$) $T \subset R^k$ тўпламда аниқланган бўлиб, $t = (t_1, t_2, \dots, t_k) \in T$ бўлганда унга мос $x = (x_1, x_2, \dots, x_m) \in E$ бўлсин.

Натижада

$$f(x(t)) = f(\varphi_1(t_1, \dots, t_k), \varphi_2(t_1, \dots, t_k), \dots, \varphi_m(t_1, \dots, t_k)) = F(t_1, t_2, \dots, t_k)$$

функция ҳосил бўлади. Уни мураккаб функция дейилади.

2⁰. Кўп ўзгарувчили функция лимити (каррали лимити) таърифлари. Фараз қилайлик, $f(x)$ функция ($x \in R^m$) $E \subset R^m$ тўпламда берилган, $x^0 \in R^m$ нуқта E нинг лимит нуқтаси бўлсин. У ҳолда R^m фазода шундай $\{x^{(n)}\}$:

$$x^{(1)}, x^{(2)}, \dots, x^{(n)}, \dots$$

кетма-кетлик топиладики:

$$1) \quad \forall n \in N \text{ да } x^{(n)} \in E, \quad x^{(n)} \neq x^0,$$

$$2) \quad n \rightarrow \infty \text{ да } x^{(n)} \rightarrow x^0$$

бўлади (бундай кетма-кетликлар исталганча бўлади).

2-таъриф (Гейне). Агар

$$1) \quad \forall n \in N \text{ да } x^{(n)} \in E, \quad x^{(n)} \neq x^0;$$

$$2) \quad n \rightarrow \infty \text{ да } x^{(n)} \rightarrow x^0$$

шартларни қаноатлантирувчи ихтиёрий $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик учун

$$n \rightarrow \infty \text{ да } f(x^{(n)}) \rightarrow A$$

бўлса, A $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функциянинг $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ нуқтадаги лимити (каррали лимити) дейилади. Уни $\lim_{x \rightarrow x^0} f(x) = A$ ёки

$$\begin{aligned} \lim f(x_1, x_2, \dots, x_m) &= A \\ x_1 &\rightarrow x_1^0 \\ x_2 &\rightarrow x_2^0 \\ &\dots\dots\dots \\ x_m &\rightarrow x_m^0 \end{aligned}$$

каби белгиланади.

Эслатма. Агар

$$\begin{aligned} \{x^{(n)}\} & \quad (x^{(n)} \in E, \quad x^{(n)} \neq x^0, \quad n=1,2,\dots), \\ \{y^{(n)}\} & \quad (y^{(n)} \in E, \quad y^{(n)} \neq x^0, \quad n=1,2,\dots) \end{aligned}$$

кетма-кетликлар учун $n \rightarrow \infty$ да

$$x^{(n)} \rightarrow x^0, \quad y^{(n)} \rightarrow x^0$$

бўлиб,

$$f(x^{(n)}) \rightarrow A, \quad f(y^{(n)}) \rightarrow B, \quad A \neq B$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада лимитга эга бўлмайди.

3-таъриф (Коши). Агар $\forall \varepsilon > 0$ сон олинганда ҳам шундай $\delta = \delta(\varepsilon) > 0$ топилсаки, $0 < \rho(x, x^0) < \varepsilon$ тенгсизликни қаноатланти-рувчи $\forall x \in E$ ($E \subset R^m$) да

$$|f(x) - A| < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, A сон $f(x)$ функциянинг x^0 нуктадаги лимити (каррала лимити) дейилади.

Бу таърифни қисқача қилиб қуйидагича ҳам айтса бўлади.

Агар

$$\forall \varepsilon > 0, \exists \delta > 0, \forall x \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}): |f(x) - A| < \varepsilon$$

бўлса, A сони $f(x)$ функциянинг x^0 нуктадаги лимити дейилади.

3⁰. Функция лимитининг мавжудлиги. Фараз қилайлик, $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция $E \subset R^m$ тўпланда берилган бўлиб, $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in R^m$ нукта E тўпланинги лимит нуктаси бўлсин.

1-теорема (Коши). $f(x)$ функция x^0 нуктада лимитга эга бўлиши учун $\forall \varepsilon > 0$ сон олинганда ҳам шундай $\delta > 0$ сон топилиб,

$$\forall x' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}), \quad \forall x'' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\})$$

нукталарда

$$|f(x'') - f(x')| < \varepsilon$$

тенгсизликнинг бажарилиши зарур ва етарли.

◀ **Зарурлиги.** Айтайлик, $f(x)$ функция x^0 нуктада A лимитга эга бўлсин:

$$\lim_{x \rightarrow x^0} f(x) = A.$$

Лимит таърифига кўра,

$$\forall \varepsilon > 0, \exists \delta > 0, \forall x \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}):$$

$$|f(x) - A| < \frac{\varepsilon}{2}$$

бўлади, Жумладан

$$x' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}), \quad x'' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}):$$

нукталар учун

$$|f(x') - A| < \frac{\varepsilon}{2}, \quad |f(x'') - A| < \frac{\varepsilon}{2}$$

бўлади.

Кейинги тенгсизликлардан

$$|f(x'') - f(x')| \leq |f(x') - A| + |f(x'') - A| < \varepsilon$$

бўлиши келиб чиқади.

Етарлилиги. Айтайлик, $\forall \varepsilon > 0$ сон олинганда ҳам шундай $\delta > 0$ сон топиладики,

$$\forall x' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}), \quad \forall x'' \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\})$$

нукталар учун

$$|f(x'') - f(x')| < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилади.

x^0 нуктага интилувчи иккита $\{x^{(n)}\}, \{y^{(n)}\}$ кетма-кетлик-ларни оламиз: $n \rightarrow \infty$ да

$$x^{(n)} \rightarrow x^0 \quad (x^{(n)} \in E, \quad x^{(n)} \neq x^0, n = 1, 2, \dots),$$

$$y^{(n)} \rightarrow x^0 \quad (y^{(n)} \in E, \quad y^{(n)} \neq x^0, n = 1, 2, \dots).$$

Бу кетма-кетликлар ҳадларидан фойдаланиб, ушбу

$$x^{(1)}, y^{(1)}, x^{(2)}, y^{(2)}, \dots, x^{(n)}, y^{(n)}, \dots$$

кетма-кетликни ҳосил қиламиз. Уни $\{z^{(n)}\}$ кетма-кетлик дейлик. Равшанки, бу кетма-кетликнинг ҳам лимити x^0 бўлади: $n \rightarrow \infty$ да

$$z^{(n)} \rightarrow x^0 \quad (z^{(n)} \in E, \quad z^{(n)} \neq x^0, n = 1, 2, \dots),$$

Лимит таърифига биноан юқоридаги $\delta > 0$ сонга кўра шундай $n_0 \in \mathbb{N}$ топиладики, $\forall n > n_0, \forall m > n_0$ да

$$z^{(n)} \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\}),$$

$$z^{(m)} \in E \cap (U_\delta(x^0) \setminus \{x^0\})$$

бўлади.

Теореманинг шартидан

$$|f(z^{(n)}) - f(z^{(m)})| < \varepsilon$$

тенгсизликнинг бажарилиши келиб чиқади. Демак, $\{f(z^{(n)})\}$ сонлар кетма-кетлиги фундаментал кетма-кетлик бўлади. Бинобарин, у яқинлашувчи :

$$n \rightarrow \infty \quad \text{да} \quad f(z^{(n)}) \rightarrow A.$$

Унда $n \rightarrow \infty$ да

$$f(x^{(n)}) \rightarrow A, \quad f(y^{(n)}) \rightarrow A$$

бўлиб, функция лимитининг Гейне таърифига кўра

$$\lim_{x \rightarrow x^0} f(x) = A$$

бўлади. ►

4⁰. Такрорий лимитлар. Фараз қилайлик, $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция $E \subset R^m$ тўпланда берилган бўлиб, $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in R^m$ шу E тўпланиннг лимит нуқтаси бўлсин.

m та x_1, x_2, \dots, x_m ўзгарувчиларга боғлиқ бўлган $f(x_1, \dots, x_m)$ функцияда x_2, x_3, \dots, x_m ўзгарувчилар тайинланса, равшанки, у битта x_1 ўзгарувчининг функциясига айланади. Айтайлик, бу функция $x_1 \rightarrow x_1^0$ да лимитга эга бўлсин :

$$\lim_{x_1 \rightarrow x_1^0} f(x_1, x_2, \dots, x_m) = \varphi_1(x_2, x_3, \dots, x_m).$$

Энди $\varphi_1(x_2, x_3, \dots, x_m)$ функцияда x_3, x_4, \dots, x_m ўзгарувчилари тайинланиб, сўнг $x_2 \rightarrow x_2^0$ лимитга ўтилса

$$\lim_{x_2 \rightarrow x_2^0} \varphi_1(x_2, x_3, \dots, x_m) = \varphi_2(x_3, x_4, \dots, x_m)$$

бўлиб, берилган функциянинг

$$\lim_{x_2 \rightarrow x_2^0} \lim_{x_1 \rightarrow x_1^0} f(x_1, x_2, \dots, x_m)$$

лимити ҳосил бўлади.

Худди шунга ўхшаш $f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функциянинг

$$x_{i_1}, x_{i_2}, \dots, x_{i_k}$$

ўзгарувчилари мос равишда $x_{i_1}^0, x_{i_2}^0, \dots, x_{i_k}^0$ ларга интилгандаги лимити

$$\lim_{x_{i_k} \rightarrow x_{i_k}^0} \dots \lim_{x_{i_1} \rightarrow x_{i_1}^0} f(x_1, x_2, \dots, x_m)$$

ни ҳам қараш мумкин.


Одатда, бу лимитлар $f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функциянинг такрорий лимитлари дейилади. $f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция аргументлари x_1, x_2, \dots, x_m лар мос равишда $x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0$ сонларга турли тартибда интилганда функциянинг турли такрорий лимитлари ҳосил бўлади.

Кўп ўзгарувчили функциянинг лимити (қаррали лимити) ҳамда унинг такрорий лимитлари турлича муносабатда бўлади. Улар ҳақида, хусусий ҳолда кейинги банда баён этамиз.

5⁰. Хусусий ҳоллар. $m = 1$ бўлганда битта ўзгарувчига боғлиқ бўлган R фазодаги бирор тўпламда аниқланган $u = f(x)$ функцияга эга бўламиз. Бу функция ва унинг лимити 11- ва 12-маърузаларда ўрганилган ва тўлиқ маълумотлар келтирилган.

$m = 2$ бўлганда R^2 фазодаги (текисликдаги) бирор тўпламда аниқланган икки ўзгарувчига боғлиқ бўлган $u = f(x, y)$ функцияга эга бўламиз.

Масалан,



$$u = \frac{\ln(x^2 + y^2 - 1)}{\sqrt{4 - x^2 - y^2}}.$$

Бу функциянинг аниқланиш тўплами текисликнинг ушбу

$$x^2 + y^2 - 1 > 0,$$

$$4 - x^2 - y^2 > 0$$


системани қаноатлантирадиган нуқталар тўплами 24-чизмада тасвирланган ҳалқани ифодалайди:

Икки ўзгарувчига боғлиқ бўлган $u = f(x, y)$ функциянинг графиги умуман R^3 фазода (биз яшаб турган фазода) сиртни ифодалайди.

Масалан, ушбу

$$u = x^2 + y^2$$

функциянинг графиги R^3 фазода 25-чизмада тасвирланган айланма параболоид бўлади:



3.2-чизма

Айтайлик, $f(x, y)$ функция $E \subset R^2$ тўпламда берилган бўлиб, $(x_0, y_0) \in R^2$ нуқта E нинг лимит нуқтаси бўлсин. Бу икки ўзгарувчили функция лимити таърифлари қуйидагича бўлади:

Агар x

- 1) $\forall_n \in N$ да $(x_n, y_n) \in E$, $(x_n, y_n) \neq (x_0, y_0)$
- 2) $n \rightarrow \infty$ да $(x_n, y_n) \rightarrow (x_0, y_0)$

шартни қаноатлантирувчи ихтиёрий $\{(x_n, y_n)\}$ нуқталар кетма-кетлиги учун
 $n \rightarrow \infty$ да $f(x_n, y_n) \rightarrow A$

бўлса, A функциянинг (x_0, y_0) нуқтадаги лимити (каррали лимити) дейилади ва

$$\lim_{(x,y) \rightarrow (x_0,y_0)} f(x,y) = A \text{ ёки } \lim_{\substack{x \rightarrow x_0 \\ y \rightarrow y_0}} f(x,y) = A$$

каби белгиланади.

Агар $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $\delta > 0$ топилсаки,
 $0 < \rho((x,y), (x_0, y_0)) < \delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи $\forall (x,y) \in E$ да

$$|f(x,y) - A| < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, A сон $f(x,y)$ функциянинг (x_0, y_0) нуқтадаги лимити (каррали лимити) дейилади.

Берилган функциянинг иккита такрорий лимитлари

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x,y), \quad \lim_{y \rightarrow y_0} \lim_{x \rightarrow x_0} f(x,y)$$

бўлиши мумкин.

1-мисол. Ушбу

$$f(x,y) = \begin{cases} \frac{xy}{\sqrt{x^2 + y^2}}, & \text{агар } x^2 + y^2 \neq 0 \text{ бўлса} \\ 0 & \text{, агар } x^2 + y^2 = 0 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функциянинг $(x,y) \rightarrow (0,0)$ даги лимити 0 бўлиши кўрсатилсин.

◀ Коши таърифидан фойдаланиб топамиз:

$\forall \varepsilon > 0$ сон учун $\delta = 2\varepsilon$ дейилса,

$$0 < \rho((x,y), (0,0)) < \delta$$

тенгсизликни қаноатлантирувчи $\forall (x,y) \in R^2$ да

$$\begin{aligned} |f(x,y) - 0| &= \left| \frac{xy}{\sqrt{x^2 + y^2}} \right| \leq \frac{1}{2} \sqrt{x^2 + y^2} = \\ &= \frac{1}{2} \rho((x,y), (0,0)) < \frac{1}{2} \delta = \varepsilon \end{aligned}$$

бўлади. Демак,

$$\lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} f(x,y) = 0. \blacktriangleright$$

2-мисол. Ушбу

$$f(x,y) = \frac{x^2 y^2}{x^2 y^2 + (x-y)^2}$$

функциянинг $(0,0)$ нуқтада лимити мавжуд эмаслиги кўрсатилсин.

◀ Равшанки, бу функция

$$R^2 \setminus \{(0,0)\}$$

тўпланда аниқланган ва $(0,0)$ нукта шу тўпламнинг лимит нуктаси.

$$(0,0) \text{ нуктага интилувчи } \left\{ \left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n} \right) \right\}, \left\{ \left(\frac{1}{n}, -\frac{1}{n} \right) \right\}$$

кетма-кетликларни олайлик:

$$\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n} \right) \rightarrow (0,0) \quad , \quad \left(\frac{1}{n}, -\frac{1}{n} \right) \rightarrow (0,0).$$

$\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n} \right)$ ҳамда $\left(\frac{1}{n}, -\frac{1}{n} \right)$ нукталарда $(n=1,2,3,\dots)$ берилган функциянинг қийматлари

$$f\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n}\right) = 1 \quad , \quad f\left(\frac{1}{n}, -\frac{1}{n}\right) = \frac{1}{4n^2 + 1} \quad (n=1,2,\dots)$$

бўлиб,

$$f\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n}\right) \rightarrow 1 \quad , \quad f\left(\frac{1}{n}, -\frac{1}{n}\right) \rightarrow 0$$

бўлади. Функция лимитининг Гейне таърифидан фойдаланиб, берилган функциянинг $(x, y) \rightarrow (0,0)$ да лимитга эга эмаслигини топамиз. ▶

3-мисол. Ушбу

$$f(x, y) = \begin{cases} \frac{xy}{\sqrt{x^2 + y^2}}, & \text{агар } x^2 + y^2 \neq 0 \text{ бўлса,} \\ 0 & , \text{агар } x^2 + y^2 = 0 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функциянинг $(0,0)$ да такрорий лимитлари топилсин.

◀ Берилган функциянинг такрорий лимитларини топамиз:

$$\lim_{x \rightarrow 0} f(x, y) = \lim_{x \rightarrow 0} \frac{xy}{\sqrt{x^2 + y^2}} = 0, \quad \lim_{y \rightarrow 0} \lim_{x \rightarrow 0} f(x, y) = 0,$$

$$\lim_{y \rightarrow 0} f(x, y) = \lim_{y \rightarrow 0} \frac{xy}{\sqrt{x^2 + y^2}} = 0, \quad \lim_{x \rightarrow 0} \lim_{y \rightarrow 0} f(x, y) = 0.$$

Демак, берилган функциянинг $(0,0)$ нуктадаги такрорий лимитлари бири-бирига тенг бўлиб, улар 0 га тенг. ▶

4-мисол. Ушбу

$$f(x, y) = \begin{cases} \frac{2x - y}{\sqrt{x + 3y}}, & \text{агар } x + 3y \neq 0 \text{ бўлса,} \\ 0 & , \text{агар } x^2 + 3y = 0 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функциянинг $(0,0)$ нуктадаги такрорий лимитлари топилсин.

◀ Берилган функциянинг такрорий лимитлари қуйидагича бўлади:

$$\lim_{x \rightarrow 0} \frac{2x - y}{x + 3y} = -\frac{1}{3}, \quad \lim_{y \rightarrow 0} \lim_{x \rightarrow 0} \frac{2x - y}{x + 3y} = -\frac{1}{3};$$

$$\lim_{y \rightarrow 0} \frac{2x - y}{x + 3y} = 2, \quad \lim_{x \rightarrow 0} \lim_{y \rightarrow 0} \frac{2x - y}{x + 3y} = 2.$$

Айни пайтда, берилган функция $(x, y) \rightarrow (0,0)$ да лимитга (каррали лимитга) эга бўлмайди, чунки

$$\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n}\right) \rightarrow (0,0), \quad \left(\frac{5}{n}, \frac{4}{n}\right) \rightarrow (0,0)$$

кетма-кетликлар учун

$$f\left(\frac{1}{n}, \frac{1}{n}\right) = \frac{1}{4} \rightarrow \frac{1}{4},$$

$$f\left(\frac{5}{n}, \frac{4}{n}\right) = \frac{6}{17} \rightarrow \frac{6}{17}$$

бўлиб, улар бир-бирига тенг эмас. ►

5-мисол. Ушбу

$$f(x, y) = \begin{cases} x + y \sin \frac{1}{x}, & \text{агар } x \neq 0 \text{ бўлса,} \\ 0, & \text{агар } x = 0 \text{ бўлса} \end{cases}$$

функциянинг $(0,0)$ нуқтадаги такрорий лимитлари топилсин.

◀ Бу функция учун

$$\lim_{y \rightarrow 0} f(x, y) = x, \quad \lim_{x \rightarrow 0} \lim_{y \rightarrow 0} f(x, y) = 0,$$

бўлиб,

$$\lim_{y \rightarrow 0} \lim_{x \rightarrow 0} f(x, y)$$

эса мавжуд бўлмайди.

Айни пайтда, $(x, y) \rightarrow (0,0)$ да берилган функциянинг лимити (каррали лимити) мавжуд бўлади, чунки

$$|f(x, y) - 0| = \left| x + y \sin \frac{1}{x} \right| \leq |x| + |y| \quad (x \neq 0)$$

бўлиб,

$$\lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} f(x, y) = 0$$

бўлади. ►

Фараз қилайлик, $f(x, y)$ функция R^2 фазодаги

$$E = \{(x, y) \in R^2 : |x - x_0| < a, |y - y_0| < b\}$$

тўпламда берилган бўлсин.

2-теорема. Агар

1) $(x, y) \rightarrow (x_0, y_0)$ да $f(x, y)$ функциянинг лимити (каррали лимити) мавжуд ва

$$\lim_{\substack{x \rightarrow x_0 \\ y \rightarrow y_0}} f(x, y) = A,$$

2) ҳар бир тайинланган x да

$$\lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y) = \varphi(x) \quad (2)$$

мавжуд бўлса, y ҳолда

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y)$$

такрорий лимит мавжуд ва

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y) = A$$

бўлади.

◀ Айтайлик,

$$\lim_{\substack{x \rightarrow x_0 \\ y \rightarrow y_0}} f(x, y) = A$$

бўлсин. Лимит таърифига биноан, $\forall \varepsilon > 0$ олинганда ҳам шундай $\delta > 0$ топиладики, ушбу

$$\{(x, y) \in R^2 : |x - x_0| < \delta, |y - y_0| < \delta\} \subset E$$

тўпламнинг барча (x, y) нуқталари учун

$$|f(x, y) - A| < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилади. Кейинги тенгсизликдан, $y \rightarrow y_0$ да лимитга ўтиб топамиз:

$$|\varphi(x) - A| \leq \varepsilon.$$

Демак,

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \varphi(x) = A. \quad (3)$$

(2) ва (3) муносабатлардан

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y) = A$$

бўлиши келиб чиқади. ▶

Худди шунга ўхшаш қуйидаги теорема исботланади.

3-теорема. Агар

1) $(x, y) \rightarrow (x_0, y_0)$ да $f(x, y)$ функциянинг лимити (каррали лимити) мавжуд ва

$$\lim_{\substack{x \rightarrow x_0 \\ y \rightarrow y_0}} f(x, y) = A,$$

2) ҳар бир тайинланган y да

$$\lim_{x \rightarrow x_0} f(x, y) = \phi(y)$$

мавжуд бўлса, y ҳолда

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y)$$

такрорий лимит мавжуд ва

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y) = A$$

бўлади.

Натижа. Агар $f(x, y)$ функция учун бир вақтда юқори-даги 2,3-теоремаларнинг шартлари бажарилса, y ҳолда

$$\lim_{\substack{x \rightarrow x_0 \\ y \rightarrow y_0}} f(x, y) = \lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y) = \lim_{y \rightarrow y_0} \lim_{x \rightarrow x_0} f(x, y)$$

бўлади.

Машқлар

1. Функция лимитининг Гейне ва Коши таърифларининг эквивалентлиги кўрсатилсин.

2. Лимитга эга бўлган функцияларнинг хоссалари келтирилсин.

3. Ушбу

$$\lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} f(x, y) = A$$

лимит таърифлансин.

4. Ушбу

$$\lim_{\substack{x \rightarrow +\infty \\ y \rightarrow +\infty}} (x^2, y^2) e^{-(x+y)}$$

лимит ҳисоблансин.

3-амалий машғулот

3-масала. Каррали лимитлар ҳисоблансин.

$$3.1 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} \frac{\sin xy}{\sqrt{x^2 + y^2}}.$$

$$3.2 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} \frac{x + y}{x^2 - xy + y^2}.$$

$$3.3 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow 3}} \left(1 + \frac{1}{x}\right)^{\frac{x^2}{x+y}}.$$

$$3.4 \lim_{\substack{x \rightarrow +\infty \\ y \rightarrow +\infty}} \left(\frac{xy}{x^2 + y^2}\right)^{x^2}.$$

$$3.5 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} \frac{x^2 + y^2}{x^4 + y^4}.$$

$$3.6 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} (x^2 + y^2)^{x^2 y^2}.$$

$$3.7 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow 0}} \left(1 + \frac{2}{x}\right)^{\frac{x^2}{x+y}}.$$

$$3.8 \lim_{\substack{x \rightarrow +\infty \\ y \rightarrow +\infty}} (x^2 + y^2) e^{-(x+y)}.$$

$$3.9 \lim_{\substack{x \rightarrow 1 \\ y \rightarrow 0}} \frac{\ln(x + e^y)}{\sqrt{x^2 + y^2}}$$

$$3.11 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} \frac{e^{-\frac{1}{x^4 + y^4}}}{x^4 + y^4}$$

$$3.13 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} (1 + x^2 + y^2)^{\frac{1}{x^2 + y^2}}$$

$$3.15 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} (x^2 + y^2) \sin \frac{1}{x^2 + y^2}$$

$$3.17 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} (x + y) e^{-(x^2 + y^2)}$$

$$3.19 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} (x^2 + y^2)^{|x|}$$

$$3.21 \lim_{\substack{x \rightarrow 1 \\ y \rightarrow 0}} \frac{\ln^2(x + y)}{\sqrt{x^2 + y^2 - 2x + 1}}$$

$$3.10 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} \frac{\sin(x^4 y^2)}{(x^2 + y^2)^2}$$

$$3.12 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} (1 + x^2 y^2)^{\frac{1}{x^2 + y^2}}$$

$$3.14 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} \frac{\sqrt[3]{x^4 y^2}}{x^2 + y^2}$$

$$3.16 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} (x^2 + y^2) \ln \left(1 + \sin \frac{1}{x^2 + y^2} \right)$$

$$3.18 \lim_{\substack{x \rightarrow \infty \\ y \rightarrow \infty}} \frac{x^2 + y^2}{|x|^3 + |y|^3}$$

$$3.20 \lim_{\substack{x \rightarrow 0 \\ y \rightarrow 0}} \frac{1 - \cos(x^2 y^2)}{(x^2 + y^2)^2}$$

4-масала. $\lim_{x \rightarrow x_0} \lim_{y \rightarrow y_0} f(x, y)$ va $\lim_{y \rightarrow y_0} \lim_{x \rightarrow x_0} f(x, y)$ такрорий лимитлар

ҳисоблансин.

$$4.1 f(x, y) = \sin \frac{\pi x}{2x + y}; x_0 = \infty, y_0 = \infty.$$

$$4.2 f(x, y) = \frac{x^2 + xy + y^2}{x^2 - xy + y^2}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.3 f(x, y) = \log_x(x + y); x_0 = 1, y_0 = 0.$$

$$4.4 f(x, y) = \frac{\sin(x + y)}{2x + 3y}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.5 f(x, y) = \frac{\cos x - \cos y}{x^2 + y^2}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.6 f(x, y) = \frac{\sin|x| - \sin|y|}{\sqrt{x^2 + y^2}}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.7 f(x, y) = \frac{\sin 3x - \operatorname{tg} 2y}{6x + 3y}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.8 f(x, y) = \frac{x^2 + y^2}{x^2 + y^4} x_0 = y_0 = \infty.$$

$$4.9 f(x, y) = \frac{x^y}{1 + x^y}; x_0 = +\infty, y_0 = +0.$$

$$4.10 f(x, y) = \frac{1}{xy} \operatorname{tg} \frac{xy}{1 + xy}; x_0 = 0, y_0 = \infty.$$

$$4.11 f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^3 + y^3}{x^4 + y^2}, (x, y) \neq (0, 0) \\ 0, (x, y) = (0, 0). x_0 = y_0 = 0 \end{cases}$$

$$4.12 f(x, y) = \begin{cases} \left(1 + \frac{1}{x + y}\right)^{x+y}, x + y \neq 0 \\ 1, x + y = 0. x_0 = y_0 = \infty \end{cases}$$

$$4.13 f(x, y) = \begin{cases} \frac{x - y + x^2 + y^2}{x + y}, x \neq -y \\ 0, x = -y. x_0 = y_0 = 0 \end{cases}$$

$$4.14 f(x, y) = \frac{\sin x + \sin y}{x + y}, x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.15 f(x, y) = \frac{x^2 \sin \frac{1}{x} + y}{x + y}, x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.16 f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^2 - y^2}{|x| - |y|}, |x| \neq |y| \\ 0, |x| = |y|, x_0 = y_0 = 0 \end{cases}$$

$$4.17 \quad f(x, y) = \frac{\ln(x + e^y)}{\sqrt{x^2 + y^2}}; x_0 = 1, y_0 = 0.$$

$$4.18 \quad f(x, y) = \frac{5 - \sqrt{25 - xy}}{xy}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.19 \quad f(x, y) = \frac{\sqrt{1 + x^2 y^2} - 1}{x^2 + y^2}; x_0 = y_0 = 0.$$

$$4.20 \quad f(x, y) = \frac{\ln(x + y)}{y}; x_0 = 1, y_0 = 0.$$

$$4.21 \quad f(x, y) = \sin \frac{\pi(x + y)}{2x + 3y}; x_0 = y_0 = \infty.$$

4-мавзу: Кўп ўзгарувчили функциянинг узлуксизлиги.

4-маъруза

РЕЖА:

1⁰. Кўп ўзгарувчили функция узлуксизлиги тушунчаси.

2⁰. Узлуксиз функцияларнинг содда хоссалари.

3⁰. Тўпламда узлуксиз бўлган функцияларнинг хосса-лари.

Таянч иборалар: функция узлуксизлиги тушунчаси, Тўпламда узлуксиз бўлган функциялар,

1⁰. Кўп ўзгарувчили функция узлуксизлиги тушунчаси. Фараз қилайлик, $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция R^m фазодаги E тўпламда берилган бўлиб, $x^0 \in E$ нукта E тўпламнинг лимит нуктаси бўлсин.

1-таъриф. Агар

$$\lim_{x \rightarrow x_0} f(x) = f(x^0) \quad (1)$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада узлуксиз дейилади.

2-таъриф (Гейне). Агар

1) $\forall n \in \mathbb{N}$ да $x^{(n)} \in E$;

2) $n \rightarrow \infty$ да $x^{(n)} \rightarrow x^0$

шартларни қаноатлантирувчи ихтиёрий $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик учун

$$n \rightarrow \infty \text{ да } f(x^{(n)}) \rightarrow f(x^0)$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада узлуксиз дейилади.

3-таъриф (Коши). Агар

$$\forall \varepsilon > 0, \exists \delta > 0, \forall x \in E \cap U_\delta(x^0), |f(x) - f(x^0)| < \varepsilon$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада узлуксиз дейилади.

Умуман, $u = f(x)$ функциянинг $x^0 \in E$ нуктадаги узлуксизлиги қуйидагини англатади:

$$\forall \varepsilon > 0, \exists \delta > 0, \forall x \in E \cap U_\delta(x^0), f(x) \in U_\varepsilon(f(x^0)).$$

Одатда, ушбу

$$\Delta u = f(x) - f(x^0) \quad (x = (x_1, x_2, \dots, x_m), x^0 = (x_1^0, \dots, x_m^0))$$

айирма, $u = f(x)$ функциянинг x^0 нуктадаги орттирмаси (тўлик орттирмаси) дейилади.

Агар

$$\Delta x_1 = x_1 - x_1^0, \Delta x_2 = x_2 - x_2^0, \dots, \Delta x_m = x_m - x_m^0$$

дейилса, унда

$$\Delta u = f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$$

бўлади. Юқоридаги (1) муносабатдан фойдаланиб қуйидаги тасдиқни айта оламиз:

$f(x)$ функциянинг x^0 нуктада узлуксиз бўлиши учун

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \Delta u = 0, \text{ яъни } \lim_{\substack{\Delta x_1 \rightarrow 0 \\ \Delta x_2 \rightarrow 0 \\ \dots \dots \\ \Delta x_m \rightarrow 0}} \Delta u = 0$$

бўлиши зарур ва етарли.

Юқоридаги таърифлар эквивалент таърифлар бўлади.

Агар (1) муносабат бажарилмаса $f(x)$ функция x^0 нукта-да узилишга эга дейилади.

4-таъриф. Агар $f(x)$ функция E тўпланинг ҳар бир нуктасида узлуксиз бўлса, функция шу E тўпланда узлуксиз дейилади.

Кўп ўзгарувчили функцияларда функциянинг нуқтадаги тўлиқ орттормаси тушунчаси билан бир қаторда унинг хусусий орттормалари тушунчалари ҳам киритилади.

Ушбу

$$\Delta_{x_1} u = f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0, x_3^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0),$$

$$\Delta_{x_2} u = f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, x_3^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0),$$

.....

$$\Delta_{x_m} u = f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_{m-1}^0, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0),$$

айирмалар мос равишда $f(x)$ функциянинг x^0 нуқтадаги x_1, x_2, \dots, x_m ўзгарувчилар бўйича хусусий орттормалари дейилади.

Равшанки,

$$\lim_{x \rightarrow x^0} \Delta u = 0 \quad \Rightarrow \quad \begin{cases} \lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} \Delta_{x_1} u = 0, \\ \lim_{\Delta x_2 \rightarrow 0} \Delta_{x_2} u = 0, \\ \dots \\ \lim_{\Delta x_m \rightarrow 0} \Delta_{x_m} u = 0 \end{cases}$$

бўлади. Бирок, $\Delta x_k \rightarrow 0$ да $\Delta_{x_k} u \rightarrow 0$ ($k = 1, 2, \dots, m$) бўлишидан

$$\lim_{x \rightarrow x_0} \Delta u = 0$$

бўлиши ҳар доим келиб чиқавермайди (бунга мисол кейинги пунктда келтирилади).

4-амалий машғулот

Қуйидаги функцияларни берилган нуқталарда ҳар бир ўзгарувчи бўйича хусусий ва иккала ўзгарувчи бўйича биргаликда узлуксизликка текширинг.

$$5.13 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^2 y^2}{x^4 + y^4}, & x^4 + y^4 \neq 0, \\ 0, & x^4 + y^4 = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(1;2).$$

$$5.14 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^3 y^2}{x^4 + y^4}, & x^4 + y^4 \neq 0, \\ 0, & x^4 + y^4 = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(10^{-4}; 10^{-5}).$$

$$5.15 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^2 + y^2}{x + y}, & x + y \neq 0, \\ 0, & x + y = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(-1; -1).$$

$$5.16 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^2 - y^2}{x^2 + y^2}, x^2 + y^2 \neq 0, \\ 1, x^2 + y^2 = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(0;1).$$

$$5.17 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{\sin x + \sin y}{x + y}, x^2 + y^2 \neq 0, \\ 1, x + y = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A\left(\frac{\pi}{3}; -\frac{\pi}{3}\right).$$

$$5.18 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{\cos x - \cos y}{x - y}, x - y \neq 0, \\ 0, x - y = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A\left(\frac{\pi}{4}; \frac{\pi}{4}\right).$$

$$5.19 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{1}{x^2 + y^2}, (x, y) \neq (0,0) \\ 0, (x, y) = (0,0). \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(1;0).$$

$$5.20 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{x^2 y}{x^4 + y^2}, x^2 + y^2 \neq 0, \\ 0, x^2 + y^2 = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(1;0).$$

$$5.21 \quad f(x, y) = \begin{cases} \frac{2xy}{x^2 + y^2}, x^2 + y^2 \neq 0, \\ 0, x^2 + y^2 = 0 \end{cases} \quad 0(0,0) \text{ va } A(1;1).$$

5-мавзу. Узлуксиз функцияларнинг хоссалари

5-маъруза:

РЕЖА:

1. Узлуксиз функцияларнинг содда хоссалари.

2. Тўпланда узлуксиз бўлган функцияларнинг хоссалари

Таянч иборалар: Узлуксиз бўлган функциялар, тўпланда узлуксизлик, $c = const.$ -ўзгармас

1⁰. Узлуксиз функцияларнинг содда хоссалари. Фараз қилайлик, $f(x)$ ва $g(x)$ функциялар $E \subset R^m$ тўпланда берилган бўлиб, $x^0 \in E$ нуктада узлуксиз бўлсин. У ҳолда

$$c \cdot f(x), \quad f(x) \pm g(x), \quad f(x) \cdot g(x), \quad \frac{f(x)}{g(x)} \quad (g(x^0) \neq 0)$$

функциялар ҳам x^0 нуктада узлуксиз бўлади, бунда $c = const.$

Бу тасдиқнинг исботи 15-маърузадаги мос тасдиқнинг исботи кабидир.

$$|\varphi_i(t) - \varphi_i(t^0)| < \delta, \text{ яъни } |x_i - x_i^0| < \delta$$

бўлади. (3) ва (4) муносабатлардан $\forall t \in M \cap U_\delta(t^0)$ учун

$$|f(x(t)) - f(x(t_0))| < \varepsilon$$

бўлиши келиб чиқади. Демак, мураккаб $f(x(t))$ функция t^0 нуқтада узлуксиз. ►

2⁰. Тўпلامда узлуксиз бўлган функцияларнинг хоссалари. Энди тўпلامда узлуксиз бўлган функцияларнинг хосса-ларини келтирамиз.

2-теорема. Агар $f(x)$ функция чегараланган ёпиқ $E \subset R^m$ тўпلامда узлуксиз бўлса, функция E да чегараланган бўлади.

◀ Айтайлик, функция шу E тўпلامда чегараланмаган бўлсин. Унда

$$\forall n \in N, \exists x^{(n)} \in E : |f(x^{(n)})| \geq n \quad (n=1,2,\dots)$$

бўлади. Равшпнки, $\{x^{(n)}\}$ кетма-кетлик чегараланган. Больцано-Вейерштрасс теоремасига кўра яқинлашувчи

$$\{x^{(n_k)}\} \quad (x^{(n_k)} \in E, k=1,2,\dots)$$

қисмий кетма-кетлик мавжуд:

$$k \rightarrow \infty \text{ да } x^{(n_k)} \rightarrow x^0 \text{ ва } x^0 \in E.$$

Айни пайтда, $f(x)$ функциянинг E да узлуксизлигидан

$$k \rightarrow \infty \text{ да } f(x^{(n_k)}) \rightarrow f(x^0) .$$

бўлиши келиб чиқади. Бу эса

$$k \rightarrow \infty \text{ да } |f(x^{(n_k)})| \geq n_k \rightarrow +\infty$$

дейилишига зид. Зиддият $f(x)$ функциянинг E да чегаралан-маган дейилишидан келиб чиқди. Демак, $f(x)$ функция E да чегараланган. ►

3-теорема. Агар $f(x)$ функция чегараланган ёпиқ $E \subset R^m$ тўпلامда узлуксиз бўлса, функция шу тўпلامда ўзининг аниқ юқори ҳамда аниқ қуйи чегараларига эришади, яъни

$$\exists x^{(*)} \in E, \quad \sup_{x \in E} \{f(x)\} = f(x^{(*)}),$$

$$\exists x^{(**)} \in E, \quad \inf_{x \in E} \{f(x)\} = f(x^{(**)})$$

бўлади.

◀ Юқоридаги теоремага кўра $f(x)$ функция E тўпلامда чегараланган бўлади. Унда бу функция аниқ чегараларга эга:

$$\sup_{x \in E} \{f(x)\} = a, \quad \inf_{x \in E} \{f(x)\} = b .$$

Аниқ юқори чегара таърифига кўра

$$\forall n \in N, \exists x^{(n)} \in E : a - \frac{1}{n} < f(x^{(n)}) \leq a \quad (n=1,2,\dots)$$

бўлади. Равшанки, $\{x^{(n)}\}$ чегараланган кетма-кетлик бўлиб, ундан $\{x^{(n_k)}\}$ қисмий кетма-кетлик ажратиш мумкинки,

$$k \rightarrow \infty \text{ да } x^{(n_k)} \rightarrow x^{(*)} \text{ ва } x^{(*)} \in E \quad (5)$$

бўлади. Берилган функциянинг узлуксизлигидан фойдаланиб топмиз:

$$k \rightarrow \infty \text{ да } f(x^{(n_k)}) \rightarrow f(x^{(*)}).$$

Айни пайтда,

$$\forall n \in N \text{ да } a - \frac{1}{n_k} < f(x^{(n_k)}) \leq a$$

бўлиб, ундан $k \rightarrow \infty$ да

$$f(x^{(n_k)}) \rightarrow a \quad (6)$$

бўлиши келиб чиқади.

(5) ва (6) муносабатларадан

$$f(x^{(*)}) = a = \sup\{f(x)\} \quad (x^* \in E)$$

бўлишини топамиз.

Худди шунга ўхшаш

$$f(x^{(**)}) = b = \inf\{f(x)\} \quad (x^{(**)} \in E)$$

бўлиши исботланади. ►

4-теорема. Фараз қилайлик. $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция боғламли

$E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлсин.

Агар

1) $f(x)$ функция E да узлуксиз,

2) $a = (a_1, a_2, \dots, a_m) \in E$, $b = (b_1, b_2, \dots, b_m) \in E$

нуқталарда турли ишорали қийматларга эга

$$(f(a) > 0, f(b) < 0 \text{ ёки } f(a) < 0, f(b) > 0)$$

бўлса, у ҳолда шундай $c = (c_1, c_2, \dots, c_m) \in E$ нуқта топиладики

$$f(c) = 0$$

бўлади.

◀ Айтайлик, $f(x)$ функция боғламли $E \subset R^m$ тўпламда узлуксиз бўлиб,

$$f(a) < 0, f(b) > 0$$

бўлсин.

E боғламли тўплам. Бинобарин, a ва b нуқталарни бирлаштирувчи ва шу тўпламга тегишли синиқ чизиқ топилади. Агар бу синиқ чизиқ учларини ифодаловчи нуқталарнинг бирида $f(x)$ функция нолга айланса теорема исботланади.

Агар синик чизик учларида $f(x)$ функция нолга айланмаса, у ҳолда синик чизикнинг шундай кесмаси топиладики, унинг бир учи $a' = (a_1', a_2', \dots, a_m')$ да $f(a') < 0$, иккинчи учи $b' = (b_1', b_2', \dots, b_m')$ да $f(b') > 0$ бўлади.

Энди $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ ни шу кесма

$$k = \left\{ (x_1, x_2, \dots, x_m) \in R^m : \begin{aligned} x_1 &= a_1' + t(b_1' - a_1'), \\ x_2 &= a_2' + t(b_2' - a_2'), \dots, x_m = a_m' + t(b_m' - a_m') \end{aligned} \right\}$$

($0 \leq t \leq 1$) да қараймиз. Унда

$$f(a_1' + t(b_1' - a_1'), a_2' + t(b_2' - a_2'), \dots, a_m' + t(b_m' - a_m')) = F(t)$$

бўлиб, битта t ўзгарувчига боғлиқ функция ҳосил бўлади. Бу функция $[0, 1]$ сегментда узлуксиз ва

$$F(0) = f(a') < 0, \quad F(1) = f(b') > 0$$

бўлади. Унда 16-маърузада келтирилган теоремага кўра, шундай $t_0 \in (0, 1)$ нукта топиладики,

$$F(t_0) = 0$$

яъни

$$f(a_1' + t_0(b_1' - a_1'), a_2' + t_0(b_2' - a_2'), \dots, a_m' + t_0(b_m' - a_m')) = 0$$

бўлади. Агар

$$c_1 = a_1' + t_0(b_1' - a_1'), c_2 = a_2' + t_0(b_2' - a_2'), \dots, c_m = a_m' + t_0(b_m' - a_m')$$

дейилса, унда $c = (c_1, c_2, \dots, c_m) \in E$ нуктада

$$f(c) = 0$$

бўлади. ►

5-теорема. Фараз қилайлик, $f(x)$ функция боғламли $E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлсин. Агар

1) $f(x)$ функция E да узлуксиз,

2) $a \in E, b \in E$ нукталарда $f(a) = A, f(b) = B$

қийматларга эга ва $A \neq B$ бўлса, у ҳолда A билан B орасида ҳар қандай C сон олинса ҳам, шундай $c \in E$ нукта топиладики,

$$f(c) = C$$

бўлади.

◀ Бу теорема юқоридаги 4-теорема каби исботланади. ►

5-амалий машғулот

$f(x, y)$ funksiyani M to'plamda chegaralanganlikka tekshiring.

6.1 $f(x, y) = x^2 - y^2$, $M = \{(x, y) \in R^2, x^2 + y^2 \leq 25\}$.

6.2 $f(x, y) = x^2 - y^2$, $M = \{(x, y) \in R^2, x^2 + y^2 > 25\}$.

6.3 $f(x, y) = \frac{2x^2 + 3y^2}{x^2 + y^2}$, $M = \{(x, y) \in R^2, x^2 + y^2 \neq 0\}$.

6.4 $f(x, y) = \frac{\cos(x+y) - \cos(x-y)}{xy}$, $M = \{(x, y) \in R^2, xy \neq 0\}$.

6.5 $f(x, y) = \frac{\sin(x+y) - \sin(x-y)}{xy}$, $M = \{(x, y) \in R^2, xy \neq 0\}$.

6.6 $f(x, y) = \frac{\ln x - \ln y}{x - y}$, $M = \{(x, y) \in R^2, x \neq y\}$.

Quyidagi funksiyalarning ko'rsatilgan to'plamda chegaralanganligini isbotlang, uning aniq chegaralarini toping va funksiya shu qiymatlarga erishish-erishmasligini aniqlang.

6.6 $f(x, y) = \frac{x^2 - y^2}{x^2 + y^2}$, $M = \{(x, y) \in R^2, x^2 + y^2 \neq 0\}$.

$$6.7 \quad f(x, y) = \frac{x^6 + y^6}{x^2 + y^2}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x^2 + y^2 \leq 9\}.$$

$$6.8 \quad f(x, y) = \frac{x^2 y^2}{x^4 + y^4}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, x^4 + y^4 \neq 0\}.$$

$$6.9 \quad f(x, y) = xy e^{-xy}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, x \geq 0, y \geq 0\}.$$

$$6.10 \quad f(x, y, z) = \frac{4(x^2 + y^2) + 2z^2}{x^2 + y^2 + z^2} \quad M = \{(x, y, z) \in R^3, x^2 + y^2 + z^2 \neq 0\}.$$

6-МАВЗУ: Кўп ўзгарувчи функциянинг узлуксизлиги. Кантор теоремаси.

РЕЖА:

1⁰ Функциянинг текис узлуксизлиги.

2⁰ Кантор теоремаси.

Таянч иборалар: Функциянинг текис узлуксизлиги, тўпламидаги тебраниш,

1⁰ Функциянинг текис узлуксизлиги.

Айтайлик, $f(x)$ функция $E \subset R^m$ тўпланда берилган бўлсин.

5.1-таъриф. Агар $\forall \varepsilon > 0$ сон олинганда ҳам шундай $\delta = \delta(\varepsilon) > 0$ сон топилсаки,

$$\rho(x', x'') < \delta$$

тенгсизликни каноатлантирувчи ихтиёрий $x' \in E, x'' \in E$ учун

$$|f(x'') - f(x')| < \varepsilon$$

тенгсизлик бажарилса, $f(x)$ функция E тўпланда текис узлуксиз дейилади.

Агар $f(x)$ функция E тўпланда текис узлуксиз бўлса, у шу тўпланда узлуксиз бўлади.

◀ Ҳақиқатдан ҳам, юқоридаги таърифда x'' нуқта сифатида $x^0 \in E$ олинса, функциянинг x^0 нуқтада узлуксиз-лиги, бинобарин E тўпланда узлуксизлиги келиб чиқади. ▶

$f(x)$ функциянинг $E \subset R^m$ тўпламда текис узлуксиз эмаслиги куйидагича:

$$\exists \varepsilon_0 > 0, \forall \delta > 0, \exists x' \in E, \exists x'' \in E, \rho(x', x'') < \delta: |f(x'') - f(x')| \geq \varepsilon_0$$

бўлади.

6-теорема. (Кантор теоремаси.). Агар $f(x)$ функция чегараланган ёпиқ $E \subset R^m$ тўпламда узлуксиз бўлса, функция шу тўпламда текис узлуксиз бўлади.

◀Фараз қилайлик, $f(x)$ функция чегараланган ёпиқ $E \subset R^m$ тўпламда узлуксиз бўлиб, у шу тўпламда текис узлуксиз бўлмасин. Унда бирор $\varepsilon_0 > 0$ сон ва $\forall n \in N$ учун E тўпламда

$$\rho(x^{(n)}, y^{(n)}) < \frac{1}{n} \quad (n = 1, 2, 3, \dots)$$

тенгсизликни қаноатлантирувчи шундай

$$x^{(n)} \in E, \quad y^{(n)} \in E$$

нуқталар топиладики,

$$|f(x^{(n)}) - f(y^{(n)})| \geq \varepsilon_0$$

бўлади. Равшанки,

$$\{x^{(n)}\} \quad (x^{(n)} \in E, n = 1, 2, 3, \dots)$$

кетма-кетлик чегараланган. Ундан яқинлашувчи қисмий кетма-кетлик ажратиш мумкин:

$$k \rightarrow \infty \text{ да } x^{(n_k)} \rightarrow x^0 \text{ ва } x^0 \in E.$$

Масофа хоссасидан фойдаланиб топамиз:

$$\rho(y^{(n_k)}, x^0) \leq \rho(y^{(n_k)}, x^{(n_k)}) + \rho(x^{(n_k)}, x^0) < \frac{1}{n_k} + \rho(x^{(n_k)}, x^0).$$

Кейинги муносабатдан, $k \rightarrow \infty$ да лимитга ўтиш билан

$$y^{(n_k)} \rightarrow x^0$$

бўлишини топамиз. $f(x)$ функция E тўпламда, жумладан $x^0 \in E$ нуқтада узлуксиз. Унда $k \rightarrow \infty$ да

$$f(x^{(n_k)}) \rightarrow f(x^0), \quad f(y^{(n_k)}) \rightarrow f(x^0)$$

бўлиб, ундан

$$f(x^{(n_k)}) - f(y^{(n_k)}) \rightarrow 0$$

бўлиши келиб чиқади. Бу эса

$$|f(x^{(n_k)}) - f(y^{(n_k)})| \geq \varepsilon_0$$

деб қилинган фаразга зиддир. Демак, $f(x)$ функция E тўпламда текис узлуксиз. ►

Айтайлик, R^m фазода бирор E тўплам берилган бўлсин: $E \subset R^m$. Ушбу

$$\alpha = \sup_{x' \in E, x'' \in E} \rho(x', x'')$$

миқдор E тўпламнинг диаметри дейилади.

6-таъриф. $f(x)$ функция $E \subset R^m$ тўпланда аниқланган бўлсин. Унда

$$\omega(f, E) = \sup_{x' \in E, x'' \in E} \{ |f(x') - f(x'')| \}$$

сон $f(x)$ функциянинг E тўпламидаги тебраниши дейилади.

Натижа. $f(x)$ функция чегараланган ёпик $E \subset R^m$ тўпланда узлуксиз бўлса, у ҳолда $\forall \varepsilon > 0$ сон учун шундай $\delta > 0$ сон топиладики, E тўпламнинг диаметри δ дан кичик бўлган E_k тўпламларга шундай ажратиш мумкинки,

$$\bigcup_k E_k = E, E_k \cap E_i = \emptyset \quad (k \neq i),$$

хар бир E_k да

$$\omega(f; E_k) \leq \varepsilon$$

бўлади.

◀Натижанинг шартидан $f(x)$ функциянинг E тўпланда текис узлуксизлиги келиб чиқади. Унда таърифга биноан $\forall \varepsilon > 0$ учун шундай $\delta > 0$ топиладики, $\rho(x', x'') < \delta$ тенгсизликни қаноатлантирувчи ихтиёрый $x' \in E, x'' \in E$ нуқталарда

$$|f(x'') - f(x')| < \varepsilon$$

бўлади.

6-амалий машғулот

$f(x, y)$ функциянинг M тўпланда текис узлуксиз бўлиши таъриф ёрдамида исботлансин ($\delta = \delta(\varepsilon) - ?$).

6.11 $f(x, y) = 2x + 3y + 5, M = R^2.$

6.12 $f(x, y) = x^2 + y^2, M = \{(x, y) \in R^2, x^2 + y^2 < 4\}.$

6.13 $f(x, y) = \sqrt{x^2 + y^2}, M = R^2.$

6.14 $f(x, y) = x - 2y + 3, M = R^2.$

Қуйидаги функцияларни кўрсатилган тўпланда текис узлуксизликка текширинг.

$$6.6 \quad f(x, y) = \frac{x^2 + y^2}{x^4 + y^4}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x^2 + y^2 < 1\}.$$

$$6.7 \quad f(x, y) = \frac{\sqrt{x^4 + y^4}}{x^2 + y^2}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x^2 \leq 1\}.$$

$$6.8 \quad f(x, y) = x \cdot \sin \frac{1}{y}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x < 1, 0 < y < 1\}.$$

$$6.9 \quad f(x, y) = xy \sin \frac{1}{y}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x < 1, 0 < y < 1\}.$$

$$6.10 \quad f(x, y) = y \cdot \cos \frac{1}{x}, \quad M = \{(x, y) \in R^2, 0 < x < 1, 0 < y < 1\}$$

6.21 $f(x, y) = x^3 - y^3$ funksiyaning $M = \{(x, y) \in R^2, 1 \leq x \leq 2, 0 \leq y \leq 1\}$ to'plamda tekis uzluksiz ekanligi ta'rif yordamida isbotlansin.

7-мавзу. Кўп ўзгарувчи функциянинг дифференциалланувчилиги.

Йўналиш бўйича ҳосила

7-маъруза:

РЕЖА:

1. Функциянинг хусусий ҳосилалари тушунчаси
2. Кўп ўзгарувчи функциянинг дифференциал-ланувчилиги.
3. Йўналиш бўйича ҳосила

Таянч иборалар: хусусий ҳосила, функциянинг дифференциалланувчилиги

1⁰. Функциянинг хусусий ҳосилалари тушунчаси. Фараз қилайлик, $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция $E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлиб,

$$x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in E, \quad (x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0, \dots, x_m^0) \in E \quad (\Delta x_1 > 0)$$

бўлсин. Бу функциянинг x^0 нуқтадаги x_1 ўзгарувчи бўйича хусусий ортирмаси

$$\Delta_{x_1} f(x^0) = f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$$

Δx_1 га боғлиқ бўлади.

1-таъриф. Ушбу

$$\lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} \frac{\Delta_{x_1} f(x^0)}{\Delta x_1}$$

лимит мавжуд бўлса, бу лимит $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция-нинг $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ нуқтадаги x_1 ўзгарувчиси бўйича хусусий ҳосиласи дейилади. Уни

$$\frac{\partial f(x^0)}{\partial x_1} \text{ ёки } f'_{x_1}(x^0)$$

каби белгиланади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial f(x^0)}{\partial x_1} &= f'_{x_1} = \lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} \frac{\Delta_{x_1} f(x^0)}{\Delta x_1} = \\ &= \lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} \frac{f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)}{\Delta x_1}. \end{aligned}$$

Берилган функциянинг бу хусусий ҳосиласини қуйидагича

$$f'_{x_1}(x^0) = \lim_{x_1 \rightarrow x_1^0} \frac{f(x_1, x_2^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)}{x_1 - x_1^0}$$

таърифласа ҳам бўлади.

Худди шунга ўхшаш $f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функциянинг бошқа x_2, x_3, \dots, x_m ўзгарувчилари бўйича хусусий ҳосилалари таърифланади:

$$\begin{aligned} \frac{\partial f(x^0)}{\partial x_2} &= \lim_{\Delta x_2 \rightarrow 0} \frac{\Delta_{x_2} f(x^0)}{\Delta x_2} = \\ &= \lim_{\Delta x_2 \rightarrow 0} \frac{f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, x_3^0, \dots, x_m^0) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)}{\Delta x_2}, \dots \\ \frac{\partial f(x^0)}{\partial x_m} &= \lim_{\Delta x_m \rightarrow 0} \frac{\Delta_{x_m} f(x^0)}{\Delta x_m} = \\ &= \lim_{\Delta x_m \rightarrow 0} \frac{f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_{m-1}^0, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)}{\Delta x_m}. \quad (\Delta x_k \underset{<}{>} 0, k = 2, 3, \dots, m) \end{aligned}$$

Юқорида келтирилган таърифлардан кўп ўзгарувчили функциянинг хусусий ҳосилалари бир ўзгарувчили функциянинг ҳосиласи каби эканлиги кўринади. Демак, кўп ўзгарувчили функциянинг хусусий ҳосилаларини топишда маълум жадвал ва қоидалардан фойдаланиш мумкин. Жумладан, агар

$$f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m) \quad , \quad g(x) = g(x_1, x_2, \dots, x_m)$$

функциялар $E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлиб, $x \in E$ нуқтада хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда:

$$1) \forall c \in R: \quad \frac{\partial (c f(x))}{\partial x_k} = c \frac{\partial f(x)}{\partial x_k};$$

$$2) \frac{\partial(f(x)+g(x))}{\partial x_k} = \frac{\partial f(x)}{\partial x_k} + \frac{\partial g(x)}{\partial x_k};$$

$$3) \frac{\partial(f(x) \cdot g(x))}{\partial x_k} = \frac{\partial f(x)}{\partial x_k} g(x) + f(x) \frac{\partial g(x)}{\partial x_k};$$

$$4) \frac{\partial\left(\frac{f(x)}{g(x)}\right)}{\partial x_k} = g^{-2}(x) \left(\frac{\partial f(x)}{\partial x_k} g(x) - f(x) \frac{\partial g(x)}{\partial x_k} \right)$$

$$(g(x) \neq 0), \quad k=1,2,\dots,m$$

бўлади.

2⁰. Кўп ўзгарувчи функциянинг дифференциал-ланувчилиги.

Зарурий шарт. Айтайлик, $f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m)$ функция $E \subset R^m$ тўпламда берилган бўлиб,

$$x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in E, \quad (x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \in E$$

бўлсин. Маълумки, берилган функциянинг x^0 нуктадаги тўла орттирмаси

$$\Delta f(x^0) = f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$$

бўлиб, у $\Delta x_1, \Delta x_2, \dots, \Delta x_m$ ларга боғлиқ бўлади.

2-таъриф. Агар $\Delta x_1, \Delta x_2, \dots, \Delta x_m$ орттирмаларга боғлиқ бўлмаган шундай A_1, A_2, \dots, A_m сонлари топилиб, функциянинг x^0 нуктадаги тўлиқ орттирмаси ушбу

$$\Delta f(x^0) = A_1 \Delta x_1 + A_2 \Delta x_2 + \dots + A_m \Delta x_m + \alpha_1 \Delta x_1 + \alpha_2 \Delta x_2 + \dots + \alpha_m \Delta x_m \quad (1)$$

кўринишда ифодаланса, $f(x)$ функция x^0 нуктада дифференциалланувчи дейилади, бунда $\alpha_1, \alpha_2, \dots, \alpha_m$ лар $\Delta x_1, \Delta x_2, \dots, \Delta x_m$ ларга боғлиқ ва $\Delta x_1 \rightarrow 0, \Delta x_2 \rightarrow 0, \dots, \Delta x_m \rightarrow 0$ да чексиз кичик микдорлар.

Агар $(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ ҳамда $(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m)$ нукта-лар орасидаги масофа

$$\rho = \sqrt{\Delta x_1^2 + \Delta x_2^2 + \dots + \Delta x_m^2}$$

учун, $\Delta x_1 \rightarrow 0, \Delta x_2 \rightarrow 0, \dots, \Delta x_m \rightarrow 0$ да

$$\alpha_1 \Delta x_1 + \alpha_2 \Delta x_2 + \dots + \alpha_m \Delta x_m = o(\rho)$$

бўлишини эътиборга олсак, (1) муносабат ушбу

$$\Delta f(x^0) = A_1 \Delta x_1 + A_2 \Delta x_2 + \dots + A_m \Delta x_m + o(\rho) \quad (2)$$

кўринишга келади.

Одатда, (1) ва (2) муносабатлар $f(x)$ функциянинг x^0 нуктада дифференциалланувчи шarti дейилади.

1-мисол. Ушбу

$$f(x) = f(x_1, x_2, \dots, x_m) = x_1^2 + x_2^2 + \dots + x_m^2$$

функциянинг $\forall (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \in R^m$ нуқтада дифференциалланувчи бўлиши кўрсатилсин.

◀ Берилган функциянинг $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ нуқтадаги тўлиқ орттирмасини топамиз:

$$\begin{aligned} \Delta f(x^0) &= (x_1^0 + \Delta x_1)^2 + (x_2^0 + \Delta x_2)^2 + \dots + (x_m^0 + \Delta x_m)^2 - \\ &- (x_1^{0^2} + x_2^{0^2} + \dots + x_m^{0^2}) = 2x_1^0 \Delta x_1 + 2x_2^0 \Delta x_2 + \dots + \\ &+ 2x_m^0 \Delta x_m + \Delta x_1^2 + \Delta x_2^2 + \dots + \Delta x_m^2. \end{aligned}$$

Агар

$$\begin{aligned} A_1 &= 2x_1^0, A_2 = 2x_2^0, \dots, A_m = 2x_m^0, \\ \alpha_1 &= \Delta x_1, \alpha_2 = \Delta x_2, \dots, \alpha_m = \Delta x_m \end{aligned}$$

дейилса, унда

$$\Delta f(x^0) = A_1 \Delta x_1 + A_2 \Delta x_2 + \dots + A_m \Delta x_m + \alpha_1 \Delta x_1 + \alpha_2 \Delta x_2 + \dots + \alpha_m \Delta x_m$$

бўлади. Демак, берилган функция $\forall x^0 \in R^m$ нуқтада дифференциалланувчи. ▶

Агар $f(x)$ функция $E \subset R^m$ тўпламининг ҳар бир нуқтасида дифференциалланувчи бўлса, функция E тўпланда дифференциалланувчи дейилади.

1-теорема. Агар $f(x)$ функция $x^0 \in E \subset R^m$ нуқтада дифференциалланувчи бўлса, у ҳолда функция шу нуқтада узлуксиз бўлади.

◀ Шартга кўра $f(x)$ функция x^0 нуқтада дифференциалланувчи. Демак, функциянинг шу нуқтадаги тўлиқ орттирмаси

$$\Delta f(x^0) = A_1 \Delta x_1 + A_2 \Delta x_2 + \dots + A_m \Delta x_m + \alpha_1 \Delta x_1 + \alpha_2 \Delta x_2 + \dots + \alpha_m \Delta x_m$$

бўлади. Бу тенгликдан

$$\lim_{\substack{\Delta x_1 \rightarrow 0 \\ \Delta x_2 \rightarrow 0 \\ \dots \dots \dots \\ \Delta x_m \rightarrow 0}} \Delta f(x^0) = 0$$

бўлишини топамиз. Демак, $f(x)$ функция x^0 нуқтада узлуксиз. ▶

2-теорема. Агар $f(x)$ функция x^0 нуқтада дифференциалланувчи бўлса, у ҳолда функция шу нуқтада барча хусусий ҳосилаларга эга ва

$$f'_{x_1}(x^0) = A_1, f'_{x_2}(x^0) = A_2, \dots, f'_{x_m}(x^0) = A_m$$

бўлади.

◀ Шартга кўра $f(x)$ функция x^0 нуқтада дифференциалланувчи. Бинобарин, (1) шарт бажарилади. Унда

$$\Delta x_1 \neq 0, \Delta x_2 = \Delta x_3 = \dots = \Delta x_m = 0$$

деб олинса, куйидаги

$$\Delta_{x_1} f(x^0) = A_1 \Delta x_1 + \alpha_1 \Delta x_1$$

тенглик ҳосил бўлади. Бу тенгликдан топамиз:

$$\lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} \frac{\Delta_{x_1} f(x^0)}{\Delta x_1} = \lim_{\Delta x_1 \rightarrow 0} (A_1 + \alpha_1) = A_1.$$

Демак,

$$f'_{x_1}(x^0) = A_1.$$

Худди шунга ўхшаш $f(x)$ функциянинг x^0 нуктада $f'_{x_2}(x^0), f'_{x_3}(x^0), \dots, f'_{x_m}(x^0)$ хусусий ҳосилаларининг мавжудлиги ҳамда

$$f'_{x_2}(x^0) = A_2, f'_{x_3}(x^0) = A_3, \dots, f'_{x_m}(x^0) = A_m$$

бўлиши кўрсатилади. ►

Бу теоремадан x^0 нуктада дифференциалланувчи $f(x)$ функциянинг орттирмаси учун

$$\Delta f(x^0) = f'_{x_1}(x^0) \Delta x_1 + f'_{x_2}(x^0) \Delta x_2 + \dots + f'_{x_m}(x^0) \Delta x_m + o(\rho)$$

бўлиши келиб чиқади.

Эслатма. $f(x)$ функциянинг бирор x^0 нуктада барча хусусий ҳосилалари

$$f'_{x_1}(x^0), f'_{x_2}(x^0), f'_{x_3}(x^0), \dots, f'_{x_m}(x^0)$$

нинг мавжуд бўлишидан, унинг шу нуктада дифференциалланувчи бўлиши ҳар доим келиб чиқавермайди. (бунга мисол кейинги пунктда келтирилади).

Юқорида келтирилган теорема ва эслатмадан $f(x)$ функциянинг x^0 нуктада барча хусусий ҳосилаларга эга бўлиш функциянинг шу нуктада дифференциалланувчи бўлишининг зарурий шарти эканлиги келиб чиқади.

3⁰. Функция дифференциалланувчилигининг етарли шарти. Фараз қилайлик, $f(x)$ функция $E \subset R^m$ тўпلامда берилган бўлиб, $U_\delta(x^0) \subset E$ бўлсин ($\delta > 0$).

3-теорема. Агар $f(x)$ функция $U_\delta(x^0)$ да барча хусусий ҳосилаларга эга бўлиб, бу хусусий ҳосилалар x^0 нуктада узлуксиз бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада дифференциалланувчи бўлади.

◀ Ушбу

$$(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \in U_\delta(x^0).$$

нуктани олиб, берилган функциянинг $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ нуктадаги тўлик орттирмасини қараймиз:

$$\Delta f(x^0) = f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0).$$

Бу орттирмани қуйидагича ёзиб оламиз:

$$\begin{aligned} \Delta f(x^0) = & \left[f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \right] + \\ & + \left[f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, x_3^0 + \Delta x_3, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \right] + \\ & + \dots + \left[f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_{m-1}^0, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) \right]. \end{aligned} \quad (3)$$

Лагранж теоремасидан фойдаланиб топамиз:

$$\begin{aligned} f(x_1^0 + \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) = \\ = f'_{x_1}(x_1^0 + \theta_1 \cdot \Delta x_1, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \cdot \Delta x_1, \\ f(x_1^0, x_2^0 + \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, x_3^0 + \Delta x_3, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) = \\ = f'_{x_2}(x_1^0, x_2^0 + \theta_2 \cdot \Delta x_2, x_3^0 + \Delta x_3, \dots, x_m^0 + \Delta x_m) \cdot \Delta x_2; \\ \dots \dots \dots \\ f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_{m-1}^0, x_m^0 + \Delta x_m) - f(x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0) = \\ = f'_{x_m}(x_1^0, x_2^0, \dots, x_{m-1}^0, x_m^0 + \theta_m \Delta x_m) \cdot \Delta x_m. \\ (0 < \theta_k < 1, k=1, 2, \dots, m) \end{aligned} \quad (4)$$

$$a_{ik} = \frac{\partial^2 f(x^0)}{\partial x_i \partial x_k} \quad (i, k = 1, 2, \dots, m)$$

билан белгилаймиз. Барча иккинчи тартибли хусусий ҳосилалар

$$\frac{\partial^2 f}{\partial x_i \partial x_k}$$

ларнинг $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_m^0)$ нуқтада узлуксизлигидан

$$a_{ik} = a_{ki}$$

хамда

$$\frac{\partial^2 f(x_1^0 + \theta \Delta x_1, x_2^0 + \theta \cdot \Delta x_2, \dots, x_m^0 + \theta \cdot \Delta x_m)}{\partial x_i \partial x_k} = \frac{\partial^2 f(x^0)}{\partial x_i \partial x_k} + \alpha_{ik} = a_{ik} + \alpha_{ik}$$

бўлиши келиб чиқади, бунда

$$\Delta x_i \rightarrow 0 \quad (i = 1, 2, \dots, m) \text{ да } \alpha_{ik} \rightarrow 0.$$

Натижада (1) тенглик ушбу

$$\Delta f(x^0) = f(x) - f(x^0) = \frac{1}{2} \left[\sum_{i,k=1}^m a_{ik} \Delta x_i \Delta x_k + \sum_{i,k} \alpha_{ik} \Delta x_i \Delta x_k \right]$$

кўринишга келади.

Агар

$$\rho = \sqrt{\Delta x_1^2 + \Delta x_2^2 + \dots + \Delta x_m^2},$$

$$\Delta x_i = \rho \cdot \zeta_i \quad (i = 1, 2, \dots, m)$$

дейилса, сўнг $\Delta x_i \rightarrow 0$ ($i = 1, 2, \dots, m$) да, яъни $\rho \rightarrow 0$ да

$$\sum_{i,k=1}^m \alpha_{ik} \Delta x_k \Delta x_i = \rho^2 \sum_{i,k} \alpha_{ik} \zeta_i \zeta_k = \rho^2 \cdot \alpha(\rho)$$

(бунда, $\rho \rightarrow 0$ да $\alpha(\rho) \rightarrow 0$) бўлишини эътиборга олсак, у ҳолда

$$\Delta f(x^0) = \frac{\rho^2}{2} \left[\sum_{i,k=1}^m a_{i,k} \zeta_i \zeta_k + \alpha(\rho) \right] \quad (2)$$

бўлишини топамиз.

Маълумки, $\Delta f(x^0) = f(x) - f(x^0)$ айирма $U_\delta(x^0)$ да ишора сақласа, яъни $\forall x \in U_\delta(x^0)$ да

$$\Delta f(x^0) \geq 0$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуқтада локал минимумга,

$$\Delta f(x^0) \leq 0$$

бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуқтада локал максимумга эришади.

Юқоридаги (2) тенгликдан кўринадики, $\Delta f(x^0)$ нинг ишораси коэффициентлари

$$a_{ik} = \frac{\partial^2 f(x^0)}{\partial x_i \partial x_k} \quad (i, k = 1, 2, \dots, m)$$

бўлган

$$\sum_{i,k=1}^m a_{ik} \zeta_i \zeta_k \quad (3)$$

квадратик формага боғлиқ бўлади.

2-теорема. Агар (3) квадратик форма мусбат аниқланган бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада локал минимумга, манфий аниқланган бўлса, локал максимумга эришади.

Агар (3) квадратик форма ноаниқ бўлса, $f(x)$ функция x^0 нуктада локал экстремумга эришмайди.

◀ Бу теорема, кейинги пунктда, хусусий ҳолда яъни икки ўзгарувчили функциялар учун исботланади. ▶ (қаралсин, [1], 13-боб)

3⁰. Хусусий ҳоллар. $m = 1$ бўлсин. бу ҳолда $u = f(x)$ ($x \in R, u \in R$) функциянинг локал экстремумлари, экстремумнинг зарурий ва етарли шартлари каби тушунча ва тасдиқларга келамиз. Улар 25-маърузада баён этилган.

$m = 2$ бўлсин. Бу ҳолда $u = f(x, y)$ ($(x, y) \in R^2, u \in R$) икки ўзгарув-чили функциянинг локал экстремум тушунчалари юзага келиб, бу ҳол учун уларнинг таърифлари қуйидагича бўлади.

Айтайлик, $u = f(x, y)$ функция $E \subset R^2$ тўпلامда берилган бўлиб, $(x_0, y_0) \in E$ бўлсин.

Агар шундай $\delta > 0$ сон топилсаки, $U_\delta((x_0, y_0)) \subset E$ бўлиб, $\forall (x, y) \in U_\delta((x_0, y_0))$ учун

$$f(x, y) \geq f(x_0, y_0) \quad (f(x, y) \leq f(x_0, y_0))$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада локал минимумга (локал максимумга) эришади дейилади. (x_0, y_0) нукта $f(x, y)$ функциянинг локал минимум (максимум) нуктаси, $f(x_0, y_0)$ миқдор эса функциянинг минимум (максимум) қиймати дейилади.

Агар шундай $\delta > 0$ сон топилсаки, $U_\delta((x_0, y_0)) \subset E$ бўлиб, $\forall (x, y) \in U_\delta((x_0, y_0)) \setminus \{(x_0, y_0)\}$ учун

$$f(x, y) > f(x_0, y_0) \quad (f(x, y) < f(x_0, y_0))$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада қатъий локал минимумга (қатъий локал максимумга) эришади дейилади.

1-мисол. Ушбу

$$f(x, y) = \sqrt{1 - x^2 - y^2}$$

функциянинг $(0, 0)$ нуктада қатъий максимумга эришиши кўрсатилсин.

◀ $\delta > 0$ ($0 < \delta < 1$) сонни олиб, $(0,0)$ нуктанинг $U_\delta((0,0))$ атрофини ҳосил қиламиз. Унда $\forall (x, y) \in U_\delta((0,0)) \setminus \{(0,0)\}$ учун

$$f(x, y) = \sqrt{1 - x^2 - y^2} < f(0,0) = 1$$

бўлади. Демак, берилган функция $(0,0)$ нуктада максимумга эришади. ▶

Агар $f(x, y)$ функция $(x_0, y_0) \in E \subset \mathbb{R}^2$ нуктада локал экстремумга эришса ва шу нуктада

$$\frac{\partial f}{\partial x}, \quad \frac{\partial f}{\partial y}$$

хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда

$$\frac{\partial f(x_0, y_0)}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial f(x_0, y_0)}{\partial y} = 0$$

бўлади.

Бироқ, $f(x, y)$ функциянинг бирор (x^*, y^*) нуктада $\frac{\partial f}{\partial x}, \frac{\partial f}{\partial y}$ хусусий

ҳосилалари мавжуд бўлиб, улар шу нуктада нолга тенг бўлса, қаралаётган функция (x^*, y^*) нуктада экстремумга эришмасдан қолиши мумкин. Масалан,

$$f(x, y) = xy$$

функция

$$\frac{\partial f}{\partial x} = y, \quad \frac{\partial f}{\partial y} = x$$

хусусий ҳосилаларга эга бўлиб, улар $(0,0)$ нуктада нолга тенг:

$$\frac{\partial f(0,0)}{\partial x} = 0, \quad \frac{\partial f(0,0)}{\partial y} = 0$$

бўлса ҳам, бу функция $(0,0)$ нуктада экстремумга эришмайди (функция графиги-гиперболик параболоидни тасаввур қилинг).

Айтайлик, $f(x, y)$ функция $(x_0, y_0) \in \mathbb{R}^2$ нуктанинг бирор $U_\delta((x_0, y_0))$ атрофида ($\delta > 0$) берилган бўлиб, қуйидаги шартларни бажарсин:

1) $f(x, y)$ функция $U_\delta((x_0, y_0))$ да узулксиз ва узлуксиз

$f'_x, f'_y, f''_{x^2}, f''_{xy}, f''_{y^2}$ хусусий ҳосилаларга эга,

2) (x_0, y_0) стационар нукта:

$$f'_x(x_0, y_0) = 0, \quad f'_y(x_0, y_0) = 0.$$

Бу $f(x, y)$ функция учун 2^0 да юритилган мулоҳазаларни қўллаб

$$\begin{aligned} \Delta f(x_0, y_0) &= f(x, y) - f(x_0, y_0) = \\ &= \frac{1}{2} (a_{11} \Delta x^2 + 2a_{12} \Delta x \Delta y + a_{22} \Delta y^2 + \alpha_{11} \Delta x^2 + 2\alpha_{12} \Delta x \Delta y + \alpha_{22} \Delta y^2) \quad (*) \end{aligned}$$

бўлишини топамиз, бунда

$$a_{11} = f''_{x^2}(x_0, y_0), a_{12} = f''_{xy}(x_0, y_0) = f''_{yx}(x_0, y_0), a_{22} = f''_{y^2}(x_0, y_0)$$

бўлиб,

$$\Delta x \rightarrow 0, \Delta y \rightarrow 0 \text{ да } \alpha_{11} \rightarrow 0, \alpha_{12} \rightarrow 0, \alpha_{22} \rightarrow 0$$

бўлади.

3-теорема. Агар

$$a_{11}\Delta x^2 + 2a_{12}\Delta x\Delta y + a_{22}\Delta y^2 \quad (4)$$

квадратик форма мусбат аниқланган, яъни

$$a_{11} > 0, \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} \\ a_{21} & a_{22} \end{vmatrix} = a_{11}a_{22} - a_{12}^2 > 0$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада локал минимумга эришади, агар (4) квадратик форма манфий аниқланган, яъни

$$a_{11} < 0, \begin{vmatrix} a_{11} & a_{12} \\ a_{21} & a_{22} \end{vmatrix} = a_{11}a_{22} - a_{12}^2 > 0$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада локал максимумга эришади.

◀ Маълумки, $f(x, y)$ функциянинг (x_0, y_0) нуктада экстремумга эришиши $U_\delta((x_0, y_0))$ да ушбу

$$\Delta f(x_0, y_0) = f(x, y) - f(x_0, y_0)$$

айирманинг ишора сақлаши билан боғлиқ:

$$\forall (x, y) \in U_\delta((x_0, y_0)) \text{ да } \Delta f(x_0, y_0) > 0 \text{ бўлса,}$$

(x_0, y_0) нуктада локал минимум, $\Delta f(x_0, y_0) < 0$ бўлса. (x_0, y_0) нуктада локал максимум содир бўлади.

$\Delta f(x_0, y_0)$ айирманинг ишорасини аниқлаш қулай бўлиши мақсадида (4) да

$$\Delta x = \rho \cdot \cos \varphi, \Delta y = \rho \cdot \sin \varphi$$

алмаштиришни бажарамиз, бунда

$$\rho = \sqrt{\Delta x^2 + \Delta y^2}.$$

Натижада (*) муносабат ушбу

$$\Delta f(x_0, y_0) = \frac{\rho^2}{2} \left[(a_{11} \cos^2 \varphi + 2a_{12} \cos \varphi \sin \varphi + a_{22} \sin^2 \varphi) + (\alpha_{11} \cos^2 \varphi + 2\alpha_{12} \cos \varphi \sin \varphi + \alpha_{22} \sin^2 \varphi) \right] \quad (5)$$

кўринишга келади.

Айтайлик,

$$a_{11} > 0, a_{11}a_{22} - a_{12}^2 > 0$$

бўлсин.

Равшанки,

$$a_{11} \cos^2 \varphi + 2a_{12} \cos \varphi \sin \varphi + a_{22} \sin^2 \varphi = \\ = \frac{1}{a_{11}} \left[(a_{11} \cos \varphi + a_{12} \sin \varphi)^2 + (a_{11} a_{22} - a_{12}^2) \cdot \sin^2 \varphi \right].$$

Айни пайтда, бу функция, φ нинг функцияси сифатида $[0, 2\pi]$ да узлуксиз бўлиб, ўзининг энг кичик қиймати (уни m билан белгилайлик) m га эга бўлади:

$$\left| a_{11} \cos^2 \varphi + 2a_{12} \cos \varphi \sin \varphi + a_{22} \sin^2 \varphi \right| \geq m > 0.$$

Иккинчи томондан, $\Delta x \rightarrow 0$, $\Delta y \rightarrow 0$ яъни $\rho \rightarrow 0$ да $\alpha_{11} \rightarrow 0$, $\alpha_{12} \rightarrow 0$, $\alpha_{22} \rightarrow 0$ бўлганлиги сабабли, ρ нинг етардли кичик қийматларида

$$\left| \alpha_{11} \cos^2 \varphi + 2\alpha_{12} \cos \varphi \sin \varphi + \alpha_{22} \sin^2 \varphi \right| \leq |\alpha_{11}| + 2|\alpha_{12}| + |\alpha_{22}| < m$$

бўлаолади.

Демак, $a_{11} > 0$, $a_{11} a_{22} - a_{12}^2 > 0$ бўлганда (5) тенгликнинг ўнг томонидаги ифода мусбат бўлади. Бинобарин,

$$\Delta f(x_0, y_0) > 0$$

бўлиб, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада локал минимумга эришади.

Айтайлик,

$$a_{11} < 0, \quad a_{11} a_{22} - a_{12}^2 > 0$$

бўлсин. Бу ҳолда (5) тенгликнинг ўнг томонидаги ифода манфий бўлади. Бинобарин,

$$\Delta f(x_0, y_0) < 0$$

бўлиб, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада локал максимумга эришади. ►

3-эслатма. Агар

$$a_{11} a_{22} - a_{12}^2 < 0$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада экстремумга эришмайди.

4-эслатма. Агар

$$a_{11} a_{22} - a_{12}^2 = 0$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктада экстремумга эришиши ҳам мумкин, эришмаслиги ҳам мумкин (қаралсин, [1], 13-боб).

Машқлар

1. 3-теоремада келтирилган $f(x, y)$ функция учун (x_0, y_0) стационар нуктада

$$f''_{x^2}(x_0, y_0) \cdot f''_{y^2}(x_0, y_0) - [f''_{xy}(x_0, y_0)]^2 < 0$$

бўлса, $f(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуқтада экстремумга эришмаслиги исботлансин.

2. Ушбу

$$f(x, y) = (y - x)^2 + (y + 2)^3$$

функция экстремумга текширилсин.

13-амалий машғулот

Кўп ўзгарувчили функцияларни экстремумга текшириш.

13.1-мисол. Ушбу

$$f(x, y) = x^2 + xy + y^2 - 2x - 3y$$

функция экстремумга текширилсин.

◀ Аввало берилган функциянинг стационар нуқталарини топамиз:

$$f'_x(x, y) = 2x + y - 2, \quad 2x + y - 2 = 0, \quad x_0 = \frac{1}{3}$$

$$f'_y(x, y) = x + 2y - 3, \quad x + 2y - 3 = 0, \quad y_0 = \frac{4}{3}.$$

Демак, $\left(\frac{1}{3}, \frac{4}{3}\right)$ стационар нуқта.

Равшанки,

$$f''_{x^2}(x, y) = 2, \quad f''_{xy}(x, y) = 1, \quad f''_{y^2}(x, y) = 2.$$

Демак,

$$a_{11} = 2, \quad a_{12} = 1, \quad a_{22} = 2$$

$a_{11} = 2 > 0$ ва $a_{11}a_{22} - a_{12}^2 = 3 > 0$ бўлганлиги учун берилган функция $\left(\frac{1}{3}, \frac{4}{3}\right)$

нуқтада локал минимумга эришади ва

$$\min f(x, y) = f\left(\frac{1}{3}, \frac{4}{3}\right) = -\frac{7}{3}$$

бўлади. ▶

13.2-мисол. Ушбу

$$\begin{aligned} f_1(x, y) &= x^4 + y^4, \\ f_2(x, y) &= -(x^4 + y^4), \\ f_3(x, y) &= x^3 + y^3, \end{aligned}$$

функциялар экстремумга текширилсин.

◀ Берилган функциялар учун $(0, 0)$ стационар нуқта бўлади. Бу функциялар учун

$$a_{11}a_{22} - a_{12}^2 = 0$$

бўлади. Равшанки, $(0,0)$ нуқтада $f_1(x,y)$ функция минимумга, $f_2(x,y)$ функция эса максимумга эришади. $f_3(x,y)$ функция $(0,0)$ нуқтада экстремумга эга бўлмайди. ►

Ко`п о`zgaruvchili funksiyaning ekstremumlari

$f(x) = f(x_1, \dots, x_m)$ funksiya ochiq $M \subset R^2$ to`plamda berilgan bo`lib, $x_0 = (x_1^0, \dots, x_m^0) \in M$ bo`lsin.

5-Ta`rif. Agar x^0 nuqtaning $\exists \bigcup_{\delta}(x^0) \subset M$ atrofi topilsaki, $\forall x \in \bigcup_{\delta}(x^0)$ uchun $f(x) \leq f(x^0)$ ($f(x) \geq f(x^0)$)

bo`lsa, $f(x)$ funksiya x^0 nuqtada **min (max)** ga ega deyiladi. $f(x^0)$ qiymat esa $f(x)$ funksiyaning lokal **(max) min** qiymati deyiladi va

$$f(x^0) = \max_{x \in \bigcup_{\delta}(x^0)} \{f(x)\} \quad (f(x^0) = \min_{x \in \bigcup_{\delta}(x^0)} \{f(x)\})$$

kabi belgilanadi.

Funksiyaning max va min qiymatlari uning **ekstremumlari** deb ataladi.

x^0 nuqtaning $\bigcup_{\delta}(x^0)$ atrofida

$$\Delta = f(x) - f(x^0) \quad (12)$$

ayirmani ko`raylik.

Agar bu ayirma $\bigcup_{\delta}(x^0)$ da o`z ishorasini saqlasa ya`ni har doim $\Delta \geq 0$ ($\Delta \leq 0$) bo`lsa, $f(x)$ funksiya x^0 nuqtada **min (max)** ga erishadi. Agar Δ ayirma x^0 nuqtaning \forall atrofida ham o`z ishorasini saqlamasa, unda $f(x)$ funksiya x^0 nuqtada ekstremumga ega bo`la olmaydi.

1-Teorema. (zaruriy shart) $f(x)$ funksiya x^0 nuqtada ekstremumga erishsa va shu nuqtada $f'_{x_1}(x_0), \dots, f'_{x_m}(x^0)$ xususiy hosilalar \exists bo`lsa, unda

$$f'_{x_1}(x_0) = \dots = f'_{x_m}(x^0) = 0 \quad (13)$$

bo`ladi.

1-Izoh. Teoremaning aksi har doim ham o`rinli bo`lavermaydi. Masala, $f(x,y) = x \cdot y$ funksiya uchun $f'_x(0,0) = f'_y(0,0) = 0$, lekin funksiya $(0,0)$ nuqtada ekstremumga erishmaydi, chunki u $(0,0)$ nuqtaning \forall atrofida har hil ishorali qiymatlarni qabul qiladi.

14-мавзу: Ошкормас функциялар. Ошкормас функцияларнинг мавжудлиги, узлуксизлиги ва дифференциалланувчилиги.

14-маъруза:

РЕЖА:

1. Ошкормас функция тушунчаси.
2. Ошкормас функциянинг мавжудлиги.

Таянч иборалар: ошкормас кўринишда берилган функция, ошкормас функциянинг аниқланиш тўплами

1. Ошкормас функция тушунчаси. Маълумки, $x \subset R, Y \subset R$ тўплamlар ва бирор f қоида берилган ҳолда ҳар бир $x \in X$ сонга f қоидага кўра битта $y \in Y$ сон мос кўйилса, X тўпламда $y = f(x)$ функция аниқланган дейилар эди.

x ва y ўзгарувчиларни боғловчи қоида турлича жумладан аналитик ифодалар ёрдамида, жадвал ёрдамида, эгри чизиқ ёрдамида бўлиши мумкин.

Энди x ва y ўзгарувчилар тенглама ёрдамида боғланган ҳолда функция юзага келишини кўрсатамиз.

Айтайлик, x ва y ўзгарувчиларнинг $F(x, y)$ функцияси

$$E = \{(x, y) \in R^2 : a < x < b, c < y < d\}$$

тўпламда берилган бўлсин. Ушбу

$$F(x, y) = 0 \quad (1)$$

тенгламани қарайлик. Ҳар бир тайинланган $x = x_0$ да (1) тенглама y га исбатан тенгламага айланади. Бу тенглама ягона y_0 ечимга эга бўлсин. Демак,

$$F(x_0, y_0) = 0.$$

Бундай хусусиятга эга бўлган x_0 нуқталар бир қанча бўлиши мумкин. Улардан ташкил топган тўпламни X дейлик. Равшанки, бунда $X \subset (a, b)$ бўлади.

Энди X тўпламдан олинган ҳар бир x га ($x \in X$) (1) тенгламанинг ягона ечими y ни мос кўяйлик. Натижада X да аниқланган функция ҳосил бўлади. Уни $\varphi(x)$ дейлик. Демак,

$$\varphi : x \rightarrow y \text{ ва } F(x, \varphi(x)) \equiv 0.$$

Бу $\varphi(x)$ ошкормас (ошкормас кўринишда берилган) функция дейилади.

1-мисол. Ушбу

$$F(x, y) = y\sqrt{x^2 - 1} - 2 = 0 \quad (2)$$

тенглама ёрдамида ошкормас функция аниқланиши кўрсатилсин.

◀Равшанки, (2) тенглама ҳар бир $x \in (-\infty, -1) \cup (1, +\infty)$ да ягона

$$y = \varphi(x) = \frac{2}{\sqrt{x^2 - 1}}$$

ечимга эга ва

$$F(x, \varphi(x)) \equiv 0.$$

Демак, (2) тенглама $\varphi(x)$ ошкормас функцияни аниқлайди. ▶

2-мисол. Ушбу

$$F(x, y) = x - y + \frac{1}{2} \sin y = 0$$

тенглама ёрдамида ошкормас функция аниқланиши кўрсатилсин.

◀Берилган тенгламани қуйидагича ёзиб оламиз:

$$x = y - \frac{1}{2} \sin y = \alpha(y), \quad (y \in (-\infty, +\infty)).$$

Бу $\alpha(y)$ функция R да узулуксиз ва $\alpha'(y) = 1 - \frac{1}{2} \cos y > 0$ бўлади. Унда

$\alpha(y)$ функция $(-\infty, +\infty)$ да тесқари $y = \alpha^{-1}(x)$ функцияга эга ва

$$F(x, \alpha^{-1}(x)) = 0$$

бўлади. Демак, бу тенглама ушбу

$$\varphi: x \rightarrow \alpha^{-1}(x)$$

ошкормас функцияни аниқлайди. ▶

3-мисол. Ушбу

$$F(x, y) = x^2 + y^2 - \ln y = 0 \quad (y > 0)$$

тенглама y ни x нинг ошкормас функцияси сифатида аниқлайдими?

◀Аниқламайди, чунки ҳар бир $x \in (-\infty, +\infty)$ да $y^2 - \ln y > 0$ бўлганлиги сабабли, ечимга эга эмас. ▶

Ошкормас функцияларни ўрганишда қуйидаги масала-лар муҳимдир:

1) $F(x, y)$ функция бирор $E \subset R^2$ тўпламда берилган ҳолда $y = \varphi(x)$ ошкормас функция мавжуд бўладими ва бу функциянинг аниқланиш тўплами қандай бўлади?

2) (1) тенглама билан аниқланган ошкормас функция $y = \varphi(x)$ қандай хоссаларга эга ва бу хоссалар $F(x, y)$ функция хоссалари билан қандай боғланган?

2⁰. Ошкормас функциянинг мавжудлиги.

1-теорема. Фараз қилайлик, $F(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуқтанинг бирор атрофи

$$U_{hk}((x_0, y_0)) = \{(x, y) \in R^2 : x_0 - h < x < x_0 + h \quad y_0 - k < y < y_0 + k\}$$

да ($h > 0, k > 0$) берилган бўлиб, қуйидаги шартларни бажарсин:

1) $F(x, y)$ функция $U_{hk}((x_0, y_0))$ да узлуксиз;

2) Ҳар бир тайин $x \in (x_0 - h, x_0 + h)$ да y ўзгарувчининг функцияси сифатида ўсувчи;

$$3) F(x_0, y_0) = 0.$$

У ҳолда (x_0, y_0) нуктанинг шундай атрофи

$$U_{\delta\varepsilon}((x_0, y_0)) = \{(x, y) \in R^2 : x_0 - \delta < x < x_0 + \delta, y_0 - \varepsilon < y < y_0 + \varepsilon\}$$

топиладики, $(0 < \delta < h, 0 < \varepsilon < k)$,

а) $\forall x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да

$$F(x, y) = 0$$

тенглама ягона y ($y \in (y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon)$) ечимга эга, яъни $F(x, y) = 0$ тенглама ёрдамида ошқормас $y = \varphi(x)$ функция аниқланади,

б) $\varphi(x_0) = y_0$ бўлади

в) $y = \varphi(x)$ функция $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да узлуксиз бўлади.

◀ $U_{hk}((x_0, y_0))$ атрофга тегишли бўлган

$$(x_0, y_0 - \varepsilon) \quad (x_0, y_0 + \varepsilon) \quad (0 < \varepsilon < k)$$

нукталарни олиб, $[y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon]$ сегментда

$$\psi(y) = F(x_0, y)$$

функцияни қараймиз. Теореманинг 2)-шартига кўра $\psi(y)$ ўсувчи, 3)-шартига кўра $\psi(y_0) = F(x_0, y_0) = 0$ бўлади. Бунда эса

$$\psi(y_0 - \varepsilon) = F(x_0, y_0 - \varepsilon) < 0,$$

$$\psi(y_0 + \varepsilon) = F(x_0, y_0 + \varepsilon) > 0$$

бўлиши келиб чиқади.

Теореманинг 1)-шартига кўра $F(x, y)$ функция $U_{hk}((x_0, y_0))$ да узлуксиз. Унда узлуксиз функциянинг хоссасига кўра, x_0 нуктанинг шундай $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ атрофи $(0 < \delta < h)$ топиладики, $\forall x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да

$$F(x, y_0 - \varepsilon) < 0,$$

$$F(x, y_0 + \varepsilon) > 0 \tag{3}$$

бўлади.

Энди (x_0, y_0) нуктанинг

$$U_{\delta\varepsilon}((x_0, y_0)) = \{(x, y) \in R^2 : x_0 - \delta < x < x_0 + \delta, y_0 - \varepsilon < y < y_0 + \varepsilon\}$$

атрофида

$$F(x, y) = 0$$

тенглама y ни x нинг ошқормас функцияси сифатида аниқлашини кўрсатамиз.

Ихтиёрий $x^* \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ нуктани олиб, $[y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon]$ да ушбу

$$g(y) = F(x^*, y)$$

функцияни қараймиз. Равшанки, бу функция $[y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon]$ сегментда узлуксиз ва айни пайтда (3) муносабатга биноан

$$g(y_0 - \varepsilon) = F(x^*, y_0 - \varepsilon) < 0,$$

$$g(y_0 + \varepsilon) = F(x^*, y_0 + \varepsilon) > 0$$

бўлади. Унда Больцано-Кошининг теоремасига кўра шундай $y^* \in [y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon]$ нукта топиладики,

$$g(y^*) = F(x^*, y^*) = 0$$

бўлади.

Айни пайтда, $g(y)$ функция $[y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon]$ да ўсувчи (қатъий ўсувчи) бўлганлиги сабабли y шу оралиққа биттадан ортик нуктада нолга айланмайди.

Шундай қилиб, ихтиёрий $x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ учун ягона $y \in (y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon)$ топиладики,

$$F(x, y) = 0$$

бўлади. Бу эса $U_{\infty}((x_0, y_0))$ да $F(x, y) = 0$ тенглама y ни x нинг ошқормас функцияси сифатида аниқлашни билдиради:

$$y = \varphi(x) : F(x, \varphi(x)) = 0.$$

Айтайлик, $x = x_0$ бўлсин. Унда теореманинг 3) шартига кўра

$$F(x_0, y_0) = 0$$

бўлади. Бинобарин, аниқланган ошқормас функциянинг x_0 нуктадаги қиймати $\varphi(x_0) = y_0$ бўлади.

Модомики, $\forall x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ учун $\varphi(x)$ га кўра унга мос келадиган $y \in (y_0 - \varepsilon, y_0 + \varepsilon)$ бўлар экан, унда

$$|x - x_0| < \delta \Rightarrow |y - y_0| = |\varphi(x) - \varphi(x_0)| < \varepsilon$$

бўлади. Демак, ошқормас функция x_0 нуктада узлуксиз.

Ошқормас функциянинг $\forall x^* \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ нуктада узлуксиз бўлишини кўрсатиш бу функциянинг x_0 нуктада узлуксиз бўлишини кўрсатиш кабидир. Демак, мавжудлиги кўрсатилган ошқормас функция $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да узлуксиз бўлади. ►

3⁰. Ошқормас функциянинг хосилалари. Ошқормас функциянинг хосиласини аниқлайдиган теоремани келтирамиз.

2-теорема. Фараз қилайлик, $F(x, y)$ функция (x_0, y_0) нуктанинг бирор атрофи $U_{hk}((x_0, y_0))$ да $(h > 0, k > 0)$ берилган бўлиб, қуйидаги шартларни бажарсин:

1) $U_{hk}((x_0, y_0))$ да узлуксиз;

- 2) $U_{hk}((x_0, y_0))$ да узлуксиз $F'_x(x, y)$, $F'_y(x, y)$ хусусий ҳосилаларга эга ва $F'_y(x_0, y_0) \neq 0$;
 3) $F(x_0, y_0) = 0$.

У ҳолда (x_0, y_0) нуқтанинг шундай $U_{\delta\varepsilon}((x_0, y_0))$ атрофи ($0 < \delta < h$, $0 < \varepsilon < k$) топиладики, $F(x, y) = 0$ тенглама у ни x нинг ошқормас $y = \varphi(x)$ функцияси сифатида аниқлайди ва бу $y = \varphi(x)$ функция $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да узлуксиз дифференциал-ланувчи бўлиб,

$$\varphi'(x) = -\frac{F'_x(x, \varphi(x))}{F'_y(x, \varphi(x))}$$

бўлади.

◀ Теореманинг шартига кўра $F'_y(x, y)$ функция $U_{hk}((x_0, y_0))$ да узлуксиз ва $F'_y(x_0, y_0) \neq 0$. Айтайлик, $F'_y(x_0, y_0) > 0$ бўлсин. Узлуксиз функция хоссасига кўра (x_0, y_0) нуқтанинг шундай $U_{\delta\varepsilon}((x_0, y_0))$ атрофи ($0 < \delta < h$, $0 < \varepsilon < k$) топиладики, $\forall (x, y) \in U_{\delta\varepsilon}((x_0, y_0))$ да $F'_y(x, y) > 0$ бўлади. Бундан эса ҳар бир тайин $x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да $F(x, y)$ функция у ўзгарувчининг функцияси сифатида ўсувчи бўлиши келиб чиқади. У ҳолда 1-теоремага кўра $F(x, y) = 0$ тенглама $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да у ни x нинг ошқормас $y = \varphi(x)$ функцияси сифатида аниқлайди ва $y = \varphi(x)$ ошқормас функция $x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да узлуксиз бўлиб, $\varphi(x_0) = y_0$ бўлади.

Айтайлик, $x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$, $x + \Delta x \in (x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ бўлсин. Равшанки,
 $F(x, y) = 0$, $F(x + \Delta x, y + \Delta y) = 0$

бўлиб,

$$\Delta F(x, y) = F(x + \Delta x, y + \Delta y) - F(x, y) = 0 \quad (4)$$

бўлади.

Теореманинг шартдан $F(x, y)$ функциянинг (x, y) нуқтада дифференциаланувчи бўлиши келиб чиқади. Бинобарин,

$$\Delta F(x, y) = F'_x(x, y)\Delta x + F'_y(x, y)\Delta y + \alpha \cdot \Delta x + \beta \cdot \Delta y \quad (5)$$

бўлиб, $\Delta x \rightarrow 0$, $\Delta y \rightarrow 0$ да $\alpha \rightarrow 0$, $\beta \rightarrow 0$ бўлади.

(4) ва (5) муносабатлардан топамиз:

$$\frac{\Delta y}{\Delta x} = -\frac{F'_x(x, y) + \alpha}{F'_y(x, y) + \beta}$$

Кейинги тенгликда $\Delta x \rightarrow 0$ да лимитга ўтсак, унда

$$\varphi'(x) = y' = -\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)}$$

ҳосил бўлади.

$U_{\delta}((x_0, y_0))$ да $F'_x(x, y)$, $F'_y(x, y)$ хусусий ҳосилалар узлуксиз ва $F'_y(x, y) \neq 0$ бўлишидан ошкормас функциянинг ҳосиласи

$$\phi'(x) = -\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)}$$

нинг $(x_0 - \delta, x_0 + \delta)$ да узлуксиз бўлиши келиб чиқади. ►

4-мисол. Ушбу

$$F(x, y) = e^y + y \sin x - x^3 + 7 = 0$$

тенглама $(2, 0)$ нуктанинг атрофида y ни x нинг ошкормас функцияси сифатида аниқлаши ва бу ошкормас функция-нинг ҳосиласи топилсин.

◀ Равшанки,

$$F(x, y) = e^y + y \sin x - x^3 + 7$$

функция R^2 да аниқланган ва узлуксиз. Бинобарин, y $(2, 0)$ нуктанинг атрофида узлуксиз, $F(x, y)$ функциянинг хусусий ҳосилалари куйидагича бўлади:

$$\frac{\partial F(x, y)}{\partial x} = \frac{\partial}{\partial x} (e^y + y \sin x - x^3 + 7) = y \cos x - 3x^2,$$

$$\frac{\partial F(x, y)}{\partial y} = \frac{\partial}{\partial y} (e^y + y \sin x - x^3 + 7) = e^y + \sin x.$$

Демак, $F(x, y)$ функциянинг хусусий ҳосилалари R^2 да, жумладан $(2, 0)$ нуктанинг атрофида узлуксиз.

Сўнг

$$\frac{\partial F(2, 0)}{\partial y} = (e^y + \sin x)_{x=2, y=0} = 1 + \sin 2 \neq 0.$$

Ва ниҳоят,

$$F(2, 0) = (e^y + y \sin x - x^3 + 7)_{x=2, y=0} = 0$$

бўлади. Унда 2- теоремага кўра

$$F(x, y) = e^y + y \sin x - x^3 + 7 = 0$$

тенглама $(2, 0)$ нуктанинг атрофида y ни x нинг ошкормас функцияси сифатида аниқлайди ва бу ошкормас $\varphi(x)$ функциянинг ҳосиласи

$$\varphi'(x) = -\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)} = -\frac{y \cos x - 3x^2}{e^y + \sin x}$$

бўлади. ►

1-эслатма. Ошкормас функциянинг ҳосиласини куйида-гича ҳам ҳисобласа бўлади:

$$F(x, y) = 0$$

ни (у ўзгарувчи x нинг функцияси эканини ҳисобга олиб) дифференциаллаб топамиз:

$$F'_x(x, y) + F'_y(x, y) \cdot y' = 0.$$

Кейинги тенгликдан эса

$$y' = -\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)}$$

бўлиши келиб чиқади.

Айтайлик, $F(x, y)$ функция $U_{\infty}((x_0, y_0))$ да узлуксиз иккинчи тартибли

$$F''_{x^2}(x, y), \quad F''_{xy}(x, y), \quad F''_{y^2}(x, y)$$

хусусий ҳосилаларга эга бўлсин.

Маълумки,

$$y' = -\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)}.$$

Буни дифференциаллаб топамиз:

$$y'' = -\frac{(F'_x(x, y))'_x \cdot F'_y(x, y) - (F'_y(x, y))'_x \cdot F'_x(x, y)}{(F'_y(x, y))^2}.$$

Агар

$$\begin{aligned} (F'_x(x, y))'_x &= F''_{x^2}(x, y) + F''_{xy}(x, y) \cdot y', \\ (F'_y(x, y))'_x &= F''_{yx}(x, y) + F''_{y^2}(x, y) \cdot y' \end{aligned} \quad (6)$$

эканини ҳисобга олсак. Унда

$$\begin{aligned} y'' &= \frac{(F''_{yx}(x, y) + F''_{y^2}(x, y) \cdot y') F'_x(x, y) - (F''_{x^2}(x, y) + F''_{xy}(x, y) \cdot y') \cdot F'_y(x, y)}{(F'_y(x, y))^2} = \\ &= \frac{F''_{yx}(x, y) \cdot F'_x(x, y) - F''_{x^2}(x, y) \cdot F'_y(x, y) + [F''_{y^2}(x, y) \cdot F'_x(x, y) - F''_{xy}(x, y) \cdot F'_y(x, y)] y'}{(F'_y(x, y))^2} \end{aligned}$$

бўлади. Бу ифодадаги y' нинг ўрнига

$$-\frac{F'_x(x, y)}{F'_y(x, y)}$$

ни қўйиб, ошкормас функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи учун куйидаги муносабатга (формулага) келамиз:

$$y'' = \frac{2F'_x \cdot F'_y \cdot F''_{xy} - F_y'^2 \cdot F''_{x^2} - F_x'^2 \cdot F''_{y^2}}{F_y'^2}.$$

2-эслатма. Ошкормас функциянинг юқори тартибли ҳосилаларини қўйидагича ҳам ҳисобласа бўлади.

Юқорида

$$F(x, y) = 0$$

ни дифференциаллаб,

$$F'_x(x, y) + F'_y(x, y) \cdot y' = 0$$

бўлишини топган эдик. Буни яна бир марта дифференциаллаб топамиз:

$$\left[F'_x(x, y) + F'_y(x, y) \cdot y' \right]'_x = \left(F'_x(x, y) \right)'_x + y' \cdot \left(F'_y(x, y) \right)'_x + F'_y(x, y) \cdot y'' = 0$$

Агар (6) мунсабатлардан фойдалансак, кейинги тенглик ушбу

$$F''_{x^2}(x, y) + 2F''_{xy}(x, y) \cdot y' + F''_{y^2}(x, y) \cdot y'^2 + F'_y(x, y) \cdot y'' = 0$$

тенгликка келади. Ундан эса

$$y'' = - \frac{F''_{x^2}(x, y) + 2F''_{xy}(x, y) \cdot y' + F''_{y^2}(x, y) \cdot y'^2}{F'_y(x, y)}$$

бўлиши келиб чиқади.

5-мисол. Ушбу

$$F(x, y) = xe^y + ye^x - 2 = 0$$

тенглама билан аниқланадиган ошкормас функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи топилсин.

◀ Дифференциаллаб топамиз:

$$\left(F(x, y) \right)'_x = \left(xe^y + ye^x - 2 \right)'_x = 0 \quad ,$$

$$e^y + ye^x + (xe^y + e^x) \cdot y' = 0 \quad (7)$$

$$y' = - \frac{e^y + ye^x}{e^x + xe^y} \quad (8)$$

Энди (7) ни яна бир марта дифференциаллаймиз:

$$e^y \cdot y' + y'e^x + ye^x + e^y \cdot y' + xe^y y' \cdot y' + xe^y \cdot y'' + y''e^x + y'e^x = 0.$$

Кейинги тенгликдан

$$y'' = - \frac{2e^y y' + 2e^x y' + xe^y \cdot y'^2 + ye^x}{xe^y + e^x}$$

бўлиши келиб чиқади. Бу тенгликдан y' нинг ўрнига (8) да фойдаланган қийматини қўйиб, ошкормас функциянинг иккинчи тартибли ҳосиласи топилади. ▶

Машқлар

1. Ушбу

$$y^5 + y - x = 0$$

тенглама билан аниқланган $y = \varphi(x)$ ошкормас функциянинг графиги ясалсин.

2. Ушбу

$$x^y = y^x \quad (x \neq y)$$

тенглама билан аниқланадиган $y = \varphi(x)$ ошкормас функциянинг y' ва y'' ҳосилалари топилсин.

14-амалий машғулот

Ошкормас функцияларнинг ҳосилаларини топиш.

Ошкормас кўринишда берилган $y = y(x)$ функциянинг экстремумлари топилсин.

12.13 $y^2 - 2y - \sin x = 0, 0 \leq x \leq 2\pi$.

12.14 $(y - x)^3 + x + 6 = 0$.

12.15 $(y - x^2)^2 = x^5, x^2 + y^2 \neq 0$.

12.16 $x^2 + y^2 + xy = 27$.

Ошкормас кўринишда берилган $z = z(x, y)$ функциянинг экстремумлари топилсин.

12.17 $2x^2 + 2y^2 + z^2 + 8yz - z + 8 = 0$.

12.18 $x^4 + y^4 + z^4 = 2(x^2 + y^2 + z^2)$.

12.19 $5x^2 + 5y^2 + 5z^2 - 2xy - 2xz - 2yz - 72 = 0$.

12.20 $z^2 + xyz - xy^2 - x^3 = 0$.

12.21 $5z^2 + 4zy + y^2 - 2y + 3x^2 - 6x + 4 = 0$.

15-мавзу: Сонли қаторлар тушунчаси, унинг яқинлашиши ва узоқлашиши.

15-маъруза:

РЕЖА:

1⁰. Сонли қатор тушунчаси.

2⁰. Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари.

3⁰. Қаторнинг яқинлашувчилиги. Коши теоремаси.

Таянч иборалар: Сонли қатор тушунчаси, қисмий йиғинди, геометрик қатор,

яқинлашувчи қатор

1⁰. Сонли қатор тушунчаси.Фараз қилайлик,

$$\{a_n\}: a_1, a_2, a_3, \dots, a_n, \dots$$

ҳақиқий сонлар кетма-кетлиги берилган бўлсин. Улар ёрдамида ушбу

$$a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n + \dots \quad (1)$$

ифодани ҳосил қиламиз. (1) ифода сонли қатор, қисқача қатор дейилади ва у $\sum_{n=0}^{\infty} a_n$ каби белгиланади:

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + a_3 + \dots + a_n + \dots$$

Бунда $a_1, a_2, a_3, \dots, a_n, \dots$ сонлар қаторнинг ҳадлари, a_n эса қаторнинг умумий ҳади (ёки n -ҳади) дейилади.

Қуйидаги

$$S_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n \quad (n = 1, 2, 3, \dots)$$

йиғинди (1) қаторнинг n -қисмий йиғиндиси дейилади.

Демак, (1) қатор берилганда ҳар доим бу қаторнинг қисмий йиғиндиларидан иборат ушбу $\{S_n\}$:

$$S_1, S_2, S_3, \dots, S_n, \dots$$

кетма-кетликни ҳосил қилиш мумкин.

Масалан,

$$\frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \dots + \frac{1}{n(n+1)} + \dots$$

қаторнинг n -қисмий йиғиндиси

$$\begin{aligned} S_n &= \frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \frac{1}{3 \cdot 4} + \dots + \frac{1}{n(n+1)} = \\ &= \left(1 - \frac{1}{2}\right) + \left(\frac{1}{2} - \frac{1}{3}\right) + \left(\frac{1}{3} - \frac{1}{4}\right) + \dots + \left(\frac{1}{n} - \frac{1}{n+1}\right) = \\ &= 1 - \frac{1}{n+1} = \frac{n}{n+1} \end{aligned}$$

бўлиб, улардан тузилган $\{S_n\}$ кетма-кетлик

$$\frac{1}{2}, \frac{2}{3}, \frac{3}{4}, \dots, \frac{n}{n+1}, \dots$$

бўлади.

1-таъриф. Агар $n \rightarrow \infty$ да $\{S_n\}$ кетма-кетлик S га ($S \in R$) яқинлашса, (1) қатор яқинлашувчи дейилади, S унинг йиғин-диси дейилади:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = S, \quad S = \sum_{n=1}^{\infty} a_n.$$

Агар $\{S_n\}$ кетма-кетлик чекли лимитга эга бўлмаса (лимит мавжуд бўлмаса ёки чексиз бўлса), (1) қатор узоқлашувчи дейилади.

1-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n(n-1)} = \frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \dots + \frac{1}{n(n+1)} + \dots$$

қатор учун $S_n = 1 - \frac{1}{1+n}$ бўлиб,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 - \frac{1}{n+1}\right) = 1$$

бўлади. Демак, берилган қатор яқинлашувчи ва унинг йиғин-диси 1 га тенг:

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n(n-1)} = 1.$$

2-мисол. Қуйидаги

$$\sum_{n=1}^{\infty} n = 1 + 2 + 3 + \dots + n + \dots$$

қатор узоклашувчи бўлади, чунки

$$S_n = 1 + 2 + 3 + \dots + n = \frac{n(n+1)}{2}$$

учун

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = +\infty.$$

3-мисол. Ушбу

$$\sum_{m=1}^{\infty} (-1)^{n+1} = 1 - 1 + 1 - 1 + \dots + (-1)^{n+1} + \dots$$

қатор учун

$$S_n = 1 - 1 + 1 - 1 + \dots + (-1)^{n+1} = \begin{cases} 0, & \text{агар } n - \text{жуфт сон} \\ 1, & \text{агар } n - \text{ток сон} \end{cases}$$

бўлиб у $n \rightarrow \infty$ да лимитга эга эмас.

Демак, берилган қатор узоклашувчи.

4-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} aq^{n-1} = a + aq + aq^2 + \dots + aq^{n-1} + \dots \quad (a \in R, q \in R)$$

қатор яқинлашувчиликка текширилсин.

◀ Одатда, бу геометрик қатор деб юритилади.

Берилган қатор учун

$$S_n = a + aq + aq^2 + \dots + aq^{n-1} = \frac{a - aq^n}{1 - q} \quad (q \neq 1)$$

бўлиб, $|q| < 1$ бўлганда

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \frac{a}{1 - q}$$

бўлади. Демак, бу ҳолда геометрик қатор яқинлашувчи ва унинг йиғиндиси $\frac{a}{1-q}$ га тенг .

Агар $q > 1$ бўлса,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \infty ,$$

$q = 1$ бўлса,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \lim_{n \rightarrow \infty} na = \infty$$

бўлиб, бу ҳолларда берилган қатор узоқлашувчи бўлади.

$q \leq -1$ бўлганда эса $\{S_n\}$ кетма-кетлик лимитга эга эмас. Демак, бу ҳолда ҳам қатор узоқлашувчи бўлади.

Шундай қилиб, геометрик қатор $|q| < 1$ бўлганда яқинлашувчи, $|q| \geq 1$ бўлганда узоқлашувчи бўлади. ►

2⁰. Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари. Айтайлик, бирор

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots \quad (1)$$

қатор берилган бўлсин.

Ушбу

$$\sum_{n=m+1}^{\infty} a_n = a_{m+1} + a_{m+2} + \dots \quad (2)$$

қатор (бунда m – тайинланган натурал сон) (1) қаторнинг қолдиғи дейилади.

1-хосса. Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, (2) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва аксинча; (2) қаторнинг яқинлашувчи бўлишидан (1) қаторнинг яқинлашувчилиги келиб чиқади.

◀ (1) қаторнинг қисмий йиғиндиси

$$S_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n ,$$

(2) қаторнинг қисмий йиғиндиси

$$M_k^{(m)} = a_{m+1} + a_{m+2} + \dots + a_{m+k}$$

лар учун

$$S_{m+n} = S_m + M_k^{(m)} , \quad (3)$$

бўлади.

Айтайлик, (1) қатор яқинлашувчи бўлсин. Унда $k \rightarrow \infty$ да S_{m+n} чекли лимитга эга бўлиб, (3) муносабатга кўра $k \rightarrow \infty$ да $M_k^{(m)}$ ҳам чекли лимитга эга бўлади. Демак, (2) қатор яқинлашувчи.

Айтайлик, (2) қатор яқинлашувчи бўлсин. Унда $k \rightarrow \infty$ да $M_k^{(m)}$ чекли лимитга эга бўлади. Яна (3) муносабатга кўра $k \rightarrow \infty$ да S_{m+n} ҳам чекли лимитга эга бўлади. Демак, (1) қатор яқинлашувчи. ►

2-хосса. Агар

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots$$

қатор яқинлашувчи бўлиб, унинг йиғиндиси S га тенг бўлса, у ҳолда

$$\sum_{n=1}^{\infty} c \cdot a_n = c \cdot a_1 + c \cdot a_2 + \dots + c \cdot a_n + \dots$$

қатор ҳам яқинлашувчи ва унинг йиғиндиси $c \cdot S$ га тенг бўлади, бунда $c \neq 0$ бўлган ўзгармас сон.

3-хосса. Агар

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots,$$

$$\sum_{n=1}^{\infty} b_n = b_1 + b_2 + \dots + b_n + \dots$$

қаторлар яқинлашувчи бўлиб, уларнинг йиғиндиси мос равишда S_1 ва S_2 га тенг бўлса, у ҳолда

$$\sum_{n=1}^{\infty} (a_n + b_n) = (a_1 + b_1) + (a_2 + b_2) + \dots + (a_n + b_n) + \dots$$

қатор ҳам яқинлашувчи ва унинг йиғиндиси $S_1 + S_2$ га тенг бўлади.

2) ва 3)- хоссаларнинг исботи сонли қаторлар ва уларнинг яқинлашувчилиги таърифидан бевосита келиб чиқади.

4-хосса. Агар

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots$$

қатор яқинлашувчи бўлса, $n \rightarrow \infty$ да a_n нолга интилади:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} a_n = 0.$$

◀ Айтайлик, $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор яқинлашувчи бўлиб, унинг йиғиндиси S га тенг бўлсин. Таърифга биноан

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \lim_{n \rightarrow \infty} (a_1 + a_2 + \dots + a_n) = S.$$

Равшанки,

$$a_n = S_n - S_{n-1}$$

бўлади. Кейинги тенгликдан топамиз:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} a_n = \lim_{n \rightarrow \infty} (S_n - S_{n-1}) = S - S = 0. \blacktriangleright$$

Эслатма. Қаторнинг умумий ҳади a_n нинг $n \rightarrow \infty$ да нолга интилишидан унинг яқинлашувчи бўлиши ҳар доим келиб чиқавермайди. Масалан, ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{\sqrt{n}} = 1 + \frac{1}{\sqrt{2}} + \frac{1}{\sqrt{3}} + \dots + \frac{1}{\sqrt{n}} + \dots$$

қаторнинг умумий ҳади $a_n = \frac{1}{\sqrt{n}}$ бўлиб, у $n \rightarrow \infty$ да нолга интилади. Аммо бу қатор узоклашувчи, чунки

$$S_n = 1 + \frac{1}{\sqrt{2}} + \frac{1}{\sqrt{3}} + \dots + \frac{1}{\sqrt{n}} \geq n \frac{1}{\sqrt{n}} = \sqrt{n}$$

кетма-кетлик $n \rightarrow \infty$ да $+\infty$ га интилади:

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \infty.$$

Юқорида келтирилган 4)- хосса қатор яқинлашувчи бўлишининг зарурий шартини ифодалайди.

5-хосса. Айтайлик,

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots \quad (1)$$

қатор берилган бўлсин. Бу қаторнинг ҳадларини гуруҳлаб қуйидаги

$$(a_1 + a_2 + \dots + a_{n_1}) + (a_{n_1+1} + a_{n_1+2} + \dots + a_{n_2}) + \dots \quad (4)$$

қаторни ҳосил қиламиз, бунда

$$n_1 < n_2 < \dots$$

бўлиб, $\{n_k\}$ кетма-кетлик натурал сонлар кетма-кетлиги $\{n\}$ нинг қисмий кетма-кетлиги.

Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлиб, унинг йиғиндиси S га тенг бўлса, у ҳолда (4) қатор ҳам яқинлашувчи ва йиғиндиси S бўлади.

◀ (1) қатор яқинлашувчи бўлиб, йиғиндиси S га тенг бўлсин. У ҳолда

$$n \rightarrow \infty \text{ да } S_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n \rightarrow S$$

бўлади.

Айтайлик, (4) қаторнинг қисмий йиғиндиларидан иборат кетма-кетлик $\{S_{n_k}\}$ бўлсин ($k = 1, 2, 3, \dots$). Равшанки, бу кетма-кетлик $\{S_{n_k}\}$ кетма-кетликнинг қисмий кетма-кетлиги бўлади. Маълум теоремага кўра

$$k \rightarrow \infty \text{ да } S_{n_k} \rightarrow S$$

бўлади. Демак, (4) қатор яқинлашувчи ва унинг йиғиндиси S га тенг. ▶

3⁰. Қаторнинг яқинлашувчилиги. Коши теоремаси.

Фараз қилайлик,

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots$$

қатор берилган бўлсин. Маълумки, бу қаторнинг яқинлашув-чилиги ушбу

$$S_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n \quad (n = 1, 2, 3, \dots)$$

кетма-кетликнинг $n \rightarrow \infty$ да чекли лимитга эга бўлишидан иборат.

9-маърузада сонлар кетма-кетлигининг чекли лимитга эга бўлиши ҳақида Коши теоремаси, яъни $\{S_n\}$ кетма-кетликнинг $n \rightarrow \infty$ да чекли лимитга эга бўлиши учун

$$\forall \varepsilon > 0, \exists n_0 \in \mathbb{N}, \forall n > n_0, \forall m \in \mathbb{N} \text{ да } |S_{n+m} - S_n| < \varepsilon$$

тенгсизликнинг бажарилиши зарур ва етарли экани келтирилган эди.

Бу тушунча ва тасдиқдан $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор яқинлашувчилигини ифодалайдиган қуйидаги теорема келиб чиқади.

Теорема (Коши теоремаси). $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор яқинлашувчи бўлиши учун $\forall \varepsilon > 0$ сон олинганда ҳам шундай $n_0 \in \mathbb{N}$ топилиб, $\forall n > n_0$ ва $m = 1, 2, 3, \dots$ бўлганда

$$|S_{n+m} - S_n| = |a_{n+1} + a_{n+2} + \dots + a_{n+m}| < \varepsilon \quad (5)$$

тенгсизликнинг бажарилиши зарур ва етарли.

Эслатма. Агар $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор учун (5) шарт бажарилмаса, яъни

$$\exists \varepsilon_0 > 0, \forall k \in \mathbb{N}, \exists n \geq k, \exists m \in \mathbb{N} \\ |a_{n+1} + a_{n+2} + \dots + a_{n+m}| \geq \varepsilon_0 \quad (6)$$

бўлса, у ҳолда $\sum_{n=1}^{\infty} a_n$ қатор узоқлашувчи бўлади.

5-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{\sin n}{2^n} = \frac{\sin 1}{2} + \frac{\sin 2}{2^2} + \dots + \frac{\sin n}{2^n} + \dots$$

қатор яқинлашувчиликка текширилсин.

◀ Бу қатор учун Коши теоремасидаги (5) шартнинг бажарилишини текширамиз :

$$\left| \frac{\sin(n+1)}{2^{n+1}} + \frac{\sin(n+2)}{2^{n+2}} + \dots + \frac{\sin(n+m)}{2^{n+m}} \right| \leq \\ \leq \frac{1}{2^{n+1}} + \frac{1}{2^{n+2}} + \dots + \frac{1}{2^{n+m}} \leq \frac{1}{2^{n+1}} \cdot \frac{1}{1 - \frac{1}{2}} = \frac{1}{2^n}$$

Агар $\forall \varepsilon > 0$ сонга қўра $n_0 = [-\log_2 \varepsilon] + 1$ деб олинса, у ҳолда $\forall n > n_0$ ва $m = 1, 2, 3, \dots$ лар учун

$$\left| \frac{\sin(n+1)}{2^{n+1}} + \frac{\sin(n+2)}{2^{n+2}} + \dots + \frac{\sin(n+m)}{2^{n+m}} \right| < \varepsilon$$

бўлади. Демак, берилган қатор яқинлашувчи. ▶

6-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n} = 1 + \frac{1}{2} + \frac{1}{3} + \dots + \frac{1}{n} + \dots \quad (7)$$

қатор яқинлашувчиликка текширилсин.

◀ $\varepsilon_0 = \frac{1}{2}$ ва ихтиёрий $k \in \mathbb{N}$ учун $n = k$, $m = k$ бўлганда

$$\left| \frac{1}{n+1} + \frac{1}{n+2} + \dots + \frac{1}{n+m} \right| = \frac{1}{k+1} + \frac{1}{k+2} + \dots$$

$$\dots + \frac{1}{2k} > \frac{1}{2k} \cdot k = \frac{1}{2} = \varepsilon_0$$

бўлади.

(6) шартга кўра (7) қатор узоқлашувчи бўлади. ►

Одатда, (7) қатор гармоник қатор дейилади. Демак, гармоник қатор узоқлашувчи қатор.

Машқлар

1. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{x^{2^{n-1}}}{1-x^{2^n}} \quad (x \neq \pm 1)$$

қаторнинг яқинлашувчилиги исботлансин, йиғиндиси топилсин.

2. Агар

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n \quad (a_n \geq 0, n = 1, 2, 3, \dots)$$

қатор яқинлашувчи бўлса, у ҳолда

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n^2$$

қаторнинг ҳам яқинлашувчи бўлиши исботлансин.

15-АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ

1-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n(n-1)} = \frac{1}{1 \cdot 2} + \frac{1}{2 \cdot 3} + \dots + \frac{1}{n(n+1)} + \dots$$

қатор учун $S_n = 1 - \frac{1}{1+n}$ бўлиб,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \lim_{n \rightarrow \infty} \left(1 - \frac{1}{n+1} \right) = 1$$

бўлади. Демак, берилган қатор яқинлашувчи ва унинг йиғин-диси 1 га тенг:

$$\sum_{n=1}^{\infty} \frac{1}{n(n-1)} = 1.$$

2-мисол. Қуйидаги

$$\sum_{n=1}^{\infty} n = 1 + 2 + 3 + \dots + n + \dots$$

қатор узоқлашувчи бўлади, чунки

$$S_n = 1 + 2 + 3 + \dots + n = \frac{n(n+1)}{2}$$

учун

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = +\infty .$$

3-мисол. Ушбу

$$\sum_{m=1}^{\infty} (-1)^{n+1} = 1 - 1 + 1 - 1 + \dots + (-1)^{n+1} + \dots$$

қатор учун

$$S_n = 1 - 1 + 1 - 1 + \dots + (-1)^{n+1} = \begin{cases} 0, & \text{агар } n - \text{ жуфт сон} \\ 1, & \text{агар } n - \text{ тоқ сон} \end{cases}$$

бўлиб у $n \rightarrow \infty$ да лимитга эга эмас.

Демак, берилган қатор узоқлашувчи.

4-мисол. Ушбу

$$\sum_{n=1}^{\infty} aq^{n-1} = a + aq + aq^2 + \dots + aq^{n-1} + \dots \quad (a \in R, q \in R)$$

қатор яқинлашувчиликка текширилсин.

◀ Одатда, бу геометрик қатор деб юритилади.

Берилган қатор учун

$$S_n = a + aq + aq^2 + \dots + aq^{n-1} = \frac{a - aq^n}{1 - q} \quad (q \neq 1)$$

бўлиб, $|q| < 1$ бўлганда

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \frac{a}{1 - q}$$

бўлади. Демак, бу ҳолда геометрик қатор яқинлашувчи ва унинг йиғиндиси

$\frac{a}{1 - q}$ га тенг .

Агар $q > 1$ бўлса,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \infty ,$$

$q = 1$ бўлса,

$$\lim_{n \rightarrow \infty} S_n = \lim_{n \rightarrow \infty} na = \infty$$

бўлиб, бу ҳолларда берилган қатор узоқлашувчи бўлади.

$q \leq -1$ бўлганда эса $\{S_n\}$ кетма-кетлик лимитга эга эмас. Демак, бу ҳолда ҳам қатор узоқлашувчи бўлади.

Шундай қилиб, геометрик қатор $|q| < 1$ бўлганда яқинлашувчи, $|q| \geq 1$ бўлганда узоқлашувчи бўлади. ►

16 - мавзу: Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари.

16-маъруза

1. Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари (1-2-3 хоссалари)

2. 4-5 хоссалар

Таянч иборалар: қаторнинг қисмий йиғиндиси, қаторнинг қолдиғи

1⁰. Яқинлашувчи қаторларнинг хоссалари. Айтайлик, бирор

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots \quad (1)$$

қатор берилган бўлсин.

Ушбу

$$\sum_{n=m+1}^{\infty} a_n = a_{m+1} + a_{m+2} + \dots \quad (2)$$

қатор (бунда m – тайинланган натурал сон) (1) қаторнинг қолдиғи дейилади.

1-хосса. Агар (1) қатор яқинлашувчи бўлса, (2) қатор ҳам яқинлашувчи бўлади ва аксинча; (2) қаторнинг яқинлашувчи бўлишидан (1) қаторнинг яқинлашувчилиги келиб чиқади.

◀ (1) қаторнинг қисмий йиғиндиси

$$S_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n \quad ,$$

(2) қаторнинг қисмий йиғиндиси

$$M_k^{(m)} = a_{m+1} + a_{m+2} + \dots + a_{m+k}$$

лар учун

$$S_{m+n} = S_m + M_k^{(m)} \quad , \quad (3)$$

бўлади.

Айтайлик, (1) қатор яқинлашувчи бўлсин. Унда $k \rightarrow \infty$ да S_{m+n} чекли лимитга эга бўлиб, (3) муносабатга кўра $k \rightarrow \infty$ да $M_k^{(m)}$ ҳам чекли лимитга эга бўлади. Демак, (2) қатор яқинлашувчи.

Айтайлик, (2) қатор яқинлашувчи бўлсин. Унда $k \rightarrow \infty$ да $M_k^{(m)}$ чекли лимитга эга бўлади. Яна (3) муносабатга кўра $k \rightarrow \infty$ да S_{m+n} ҳам чекли лимитга эга бўлади. Демак, (1) қатор яқинлашувчи. ►

2-хосса. Агар

$$\sum_{n=1}^{\infty} a_n = a_1 + a_2 + \dots + a_n + \dots$$

қатор яқинлашувчи бўлиб, унинг йиғиндиси S га тенг бўлса, у ҳолда

